Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 48 (125) • 2007 йил 30 ноябрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

**Президентнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-727-сон қарори** билан республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази тугатилди ва унинг негизида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ташкил этилди.

Олий ўқув курсларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: юридик фан, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг янги ютуқларини ўргатиш мақсадида прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимларининг малакасини ошириш, прокурор-тергов ва суд амалиётини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш ва бошқалар.

Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқиш муддати – 6 ой ва малака ошириш дастури бўйича – 1 ойни ташкил этади.

## ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАНАДИ

Фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида **Президентнинг 2007 йил 19 ноябрдаги ПҚ-731-сон қарори билан 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури маъқулланди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Дастурда 2007-2011 йиллардаги давр учун мақсадли параметрлар, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари ҳамда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция таклифлари рўйхати назарда тутилган. Дастурнинг энг муҳим вазифалари этиб маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш, ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сарф-харажатларини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш, янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини амалга ошириш ҳисобланади.

## ПАХТА СОТУВИ – ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА

**2007 йил 21 ноябрда Президентнинг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-733-сон қарори қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).*

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республиканинг пахта толасини қайта ишлайдиган барча корхоналари учун пахта толасини эркин айирбошланадиган валютада Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали харид қилишнинг ягона тартиби ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарори 5-бандида назарда тутилган, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) шартнома тузиш пайтида таркиб топган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархларда эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғи ноль даражали ставка бўйича қўшиб ҳисобланган ҳолда) сотиб олишга рухсат бериш бўйича имтиёзлар муддати 2011 йилнинг 1 январигача узайтирилди, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилган.

Ўз маҳсулоти ҳажмининг 80 ва ундан кўпроқ фоизини ЭАВда сотувчи республика тўқимачилик саноати корхоналари 2011 йилнинг 1 январигача бўлган даврда мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилиши белгиланган.

## ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ – ЛИЗИНГГА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 ноябрдаги 236-сон қарори билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* бошланғич устав фонди 1,5 млрд сўм миқдорида бўлган, **очиқ акциядорлик жамияти шаклида «ЎзМЕД-лизинг» ихтисослаштирилган лизинг компанияси ташкил этилди.** «ЎзМЕД-лизинг» ОАЖ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади: ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиз ва чет эл банклари кредитлари ва қарзларини жалб этиш йўли билан замонавий юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш; тиббиёт асбоб-ускуналарини шартнома асосида лизингга ва узоқ муддатли ижарага бериш, шунингдек уларни тиббиёт муассасаларига сотиш.

## ЮРИСТЛАР УЧУН МУВОФИҚЛИК ИМТИҲОНЛАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда).* Низом 2008 йилнинг 1 январидан кучга кириб, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

Низомга мувофиқ ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари ҳар беш йилда бир марта Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида аттестациядан ўтишлари шарт.

Юридик хизматнинг аттестациядан ўтган ходимига икки кун ичида беш йиллик муддатга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Юридик хизматнинг аттестациядан ўтмаган ходими такрорий аттестациядан ўтиш учун аттестация ўтказилган кундан уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай мурожаат қилиши мумкин. Агар талабгор такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддат мобайнида такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий органи ходимнинг иш жойи бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ҳар беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

## ЭЛЕКТРОН КОНТРАКТ

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** ***(Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

Электрон тижоратда контрактлар томонларнинг контракт шартларини келишиши ва электрон ҳужжатни электрон тижорат томонлари ўртасида уларни алмашиш йўли билан шакллантириш орқали расмийлаштирилади. Электрон ҳужжатларни шакллантиришда томонларнинг келишуви бўйича умумқабул қилинган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган, тижорат фаолиятида қўлланиладиган матнли маълумот (ёзув, хабар, файл, сайт, маълумотлар базаси, маълумотлар базасида ёзув) айланиши ва электрон намойишнинг ҳар қандай мумкин бўлган шаклларидан фойдаланилиши мумкин. Электрон тижоратни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай электрон ҳужжатлар мазмуни ва шакли бўйича Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

**2007 йил 1 декабрдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007йил 10 ноябрдан 23 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 46-47-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 2 ноябрдаги 906-аф-сонли буйруғига асосан «XUMO-A» хусусий аудиторлик фирмасига 2001 йил 19 октябрда берилган 00242-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 2 ноябридан тугатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 13 ноябрдаги 907-аф-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «LOGOS-ART-AUDIT» аудиторлик фирмасига 2001 йил 22 ноябрда берилган 00309-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 13 ноябридан тугатилди.

***С.БЕКЕНОВ, молия вазири ўринбосари.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1133,06 | 1 Малайзия ринггити | 381,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2649,24 | 1 Польша злотийси | 517,13 |
| 1 Дания кронаси | 255,05 | 1 СДР | 2041,91 |
| 1 БАА дирҳами | 350,20 | 1 Туркия лираси | 1079,57 |
| 1 АҚШ доллари | 1285,23 | 1 Швейцария франки | 1161,32 |
| 1 Миср фунти | 233,40 | 1 ЕВРО | 1900,47 |
| 1 Исландия кронаси | 20,84 | 10 Жанубий Корея вони | 13,86 |
| 1 Канада доллари | 1311,06 | 10 Япония иенаси | 117,59 |
| 1 Хитой юани | 173,33 | 1 Россия рубли | 52,63 |
| | | 1 Украина гривнаси | 254,50 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 28.11.2007 | 1 | 0,8473 | 1 | 1,2559 | 1 | 0,0348 |
| Арманистон | 28.11.2007 | 1 | 304,56 | 1 | 453,00 | 1 | 12,53 |
| Беларусь | 29.11.2007 | 1 | 2153,00 | 1 | 3172,01 | 1 | 88,37 |
| Грузия | 29.11.2007 | 1 | 1,6215 | 1 | 2,3888 | 1 | 0,0666 |
| Қозоғистон | 29.11.2007 | 1 | 120,75 | 1 | 177,88 | 1 | 4,95 |
| Латвия | 29.11.2007 | 1 | 0,474 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0195 |
| Литва | 29.11.2007 | 1 | 2,3377 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,5907 |
| Молдова | 29.11.2007 | 1 | 11,2598 | 1 | 16,5873 | 1 | 0,4613 |
| Тожикистон | 29.11.2007 | 1 | 3,4595 | 1 | 5,1457 | 10 | 1,42 |
| Ўзбекистон | 27.11.2007 | 1 | 1285,23 | 1 | 1900,47 | 1 | 52,63 |
| Украина | 29.11.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 744,7235 | 10 | 2,0729 |
| Эстония | 28.11.2007 | 1 | 10,6071 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,434831 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2007 йил 27 ноябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1296,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1921,00 |
| "Асака" банки | 1296,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1906,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1295,00 | 1297,00 | 1902,00 | 1912,00 |
| "Пахтабанк" | 1295,00 | 1297,00 | 1915,00 | 1918,00 |
| "Халқ банк"и | 1296,00 | 1298,00 | 1902,00 | 1914,00 |
| "Ипотека-банк" | 1295,00 | 1297,00 | 1901,00 | 1907,00 |
| АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж. | 1293,00 | 1295,00 | 1924,00 | 1928,00 |
| "UzKDBбанк" | 1295,00 | 1298,00 | 1900,00 | 1928,00 |
| "Ғаллабанк" | 1296,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1910,00 |
| "Трастбанк" | 1296,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1911,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1295,00 | 1298,00 | 1914,00 | 1919,00 |
| "Алоқабанк" | 1296,00 | 1298,00 | 1902,00 | 1930,00 |
| "Ў-Т банк" | 1295,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1925,00 |
| "Туронбанк" | 1295,00 | 1298,00 | 1900,00 | 1906,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1295,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1925,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1296,00 | 1298,00 | 1916,40 | 1919,35 |
| "Микрокредитбанк" | 1296,00 | 1298,00 | 1963,00 | 1966,00 |
| "Туркистон" банк | 1295,00 | 1297,00 | 1905,00 | 1915,00 |
| "Даврбанк" | 1295,00 | 1298,00 | 1900,00 | 1910,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1296,00 | 1298,00 | 1900,50 | 1928,00 |
| "Капитал банк" | 1296,00 | 1298,00 | 1900,50 | 1928,90 |
| "Содерат банк" | 1295,00 | 1298,00 | 1900,00 | 1990,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1295,00 | 1297,00 | 1860,00 | 1940,00 |
| "Универсалбанк" | 1295,00 | 1298,00 | 1914,00 | 1919,00 |
| "Парвинабанк" | 1295,00 | 1298,00 | 1903,00 | 1906,00 |
| "Равнақбанк" | 1296,00 | 1298,00 | 1901,00 | 1921,00 |

***«Банк ахборотномаси» 48 (603)-сон 2007 йил 28 ноябрь.***

INTER PRESS
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon•7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
www.interpress.uz
pr44_045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# СОЛИҚ

## 2007 ЙИЛ ДЕКАБРЬ

### (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)

**3**

**– ноябрь ойининг III ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 26-банди);*

**– ноябрь ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**5**

**– юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар солиғи ва фоизлар бўйича, шунингдек норезидент юридик шахсларга тўловлардан даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 42-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 36-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.10.2004 йилда 1416-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 40-банди);*

**– акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**9**
***
****

**– ноябрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов кирим қилишнинг сўнгги куни** *(МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди).*

**10**

**– ноябрь ойи учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобварақларига сотилган маҳсулот ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов суммалари ҳамда фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари суммалари ҳисоб-китобларини тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 15, 38, 39, 52-бандлари);*

***– ноябрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплаш ҳисоб-китобларини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 46-банди).*

**13**

**– декабрь ойининг I ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 26-банди);*

**– декабрь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**14**

**– ноябрь ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорида бадалларни тўлаш ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни** *(ЎзР ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди);*

**– бир чорак учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баравaридан ошадиган корхоналар учун ноябрь ойига сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни***** *(Солиқ кодекси, 121-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.02.2002 йилда 1097-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 11, 13-бандлари);*

**– ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 121-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.02.2002 йилда 1097-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 11, 16-бандлари);*

**– ягона ер солиғига ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳисобот йили учун ер солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 103-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 27.03.2002 йилда 1118-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 39-банди).*

**15**
***
****

**– ноябрь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китоб тақдим этиладиган сўнгги кун**** *(Солиқ кодекси, 77-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 53-банди);*

**– ноябрь ойи учун ҚҚС тўланадиган сўнгги кун****** *(Солиқ кодекси, 78-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 54-банди);*

**– декабрь ойи учун даромад (фойда) солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни******* *(Солиқ кодекси, 43-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 29-банди);*

**!** **Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Norma» АҲТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.**

## 2007 ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ

| *Солиқ солинадиган даромад миқдори* | *Солиқ суммаси* |
|---|---|
| (5 х 150 592,5) = 752 962,5 сўмгача | Даромад суммасининг 13 фоизи |
| 752 962,5 сўмдан (10 х 150 592,5) = 1 505 925 сўмгача | 97 885,13 сўм + 752 962,5 сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи |
| 1 505 926 сўм ва ундан юқори | 233 418,38 сўм + 1 505 925 сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи |

Январь-ноябрь ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори 150 592,5 сўмни (12 420 + 12 420 +12 420 + 12 420 + 12 420 + 12 420 + 12 420 + 15 525 + 15 525 + 15 525 + 17 077,5) ташкил қилади. Ноябрь ойи учун энг кам иш ҳақининг ўртача миқдори – 17 077,5 сўм (15 525:2 + 18 630:2).

***I МИСОЛ.*** *Корхона ходимига ноябрь ойи учун 165 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган.*

*Унинг январь-ноябрь ойларидаги жами даромади 1 525 000 сўмни (130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 150 000 + 150 000 + 150 000 + 165 000) ташкил қилади. Январь-октябрь ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 213 160,75 сўмга тенг.*

*Ходимнинг ноябрь ойи учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси (1 525 000 сўм даромаддан) аниқланади:*

*233 418,38 + (1 525 000 –1 505 925) х 25% = 238 187,13 сўм.*

*2. Ноябрь ойидаги даромаддан ушланадиган солиқ суммаси аниқланади:*

*238 187,13 – 213 160,75 = 25 026,38 сўм.*

*3. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақидан 1% миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси январь-ноябрь ойлари учун 15 250 сўмни (1 525 000 х 1%) ташкил қилади, январь-октябрь ойларида 13 600 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 1 650 сўм (15 250 – 13 600) ушлаб қолиниши лозим.*

*4. Ноябрь ойи учун 23 376,38 сўм (25 026,38 – 1 650) миқдорида даромад солиғи суммаси ўтказилади.*

***II МИСОЛ.*** *Солиқ кодекси 59-моддасининг 2-бандига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходимига (масалан, вақтинча Афғонистон Республикасида бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида хизматни ўтаган ҳарбий хизматчига) ноябрь ойи учун 165 000 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган.*

*Январь-ноябрь ойлари учун жами даромад 1 525 000 сўмни (130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 150 000 + 150 000 + 150 000 + 165 000) ташкил этади.*

*Имтиёз ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан, Солиқ кодекси 59-моддасининг 2-бандига мувофиқ, ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 баравaрига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-ноябрь ойлари учун солиқ солинмайдиган жами даромади қуйидагини ташкил этади: 4 х (12 420 + 12 420 + 12 420 + 12 420 + 12 420 + 12 420 + 12 420 + 15 525 + 15 525 + 15 525 + 17 077,5) = 602 370 сўм. Ходимнинг январь-октябрь ойларидаги даромадидан ушлаб қолинган солиқ суммаси 115 290 сўм 45 тийинни ташкил қилган.*

*Унинг январь-ноябрь ойлари учун иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:*

*1 525 000 – 602 370 = 922 630 сўм.*

*2. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади:*

*97 885,13 + (922 630 – 752 962,5) х 18% = 128 425,28 сўм.*

*3. Ноябрь ойидаги даромаддан ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*128 425,28 – 115 290,45 = 13 134 сўм 83 тийин.*

*4. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига январь-ноябрь ойлари учун солиқ солинадиган иш ҳақидан 1% миқдорида мажбурий ушланмалар 9 226 сўм 30 тийинни (922 630 х 1%) ташкил қилади, январь-октябрь ойларида 8 259 сўм 40 тийин ушлаб қолинган, ноябрь ойида 966,9 сўм (9 226,3 – 8 259,4) ушлаб қолиниши лозим.*

*5. Ноябрь ойи учун ўтказиладиган даромад солиғи суммаси 12 167 сўм 93 тийинга (13 134,83 – 966,9) тенг.*

***III МИСОЛ.*** *Ходимга ноябрь ойи учун 165 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати 100 000 сўм бўлган қимматбаҳо совға берилди.*

*Солиқ кодекси 58-моддасининг «л» бандига кўра юридик шахслардан қимматбаҳо совға олган жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқига эгалар (солиқ солинадиган жами даромаддан энг кам иш ҳақи миқдорининг 6 баравaрига тенг сумма чиқариб ташланади), яъни мазкур ҳолатда 17 077,5 х 6 = 102 465 сўм.*

*Январь-ноябрь ойлари учун жами даромад 1 625 000 сўмни (130 000 + 100 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 150 000 + 150 000 + 165 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 214 873,25 сўм солиқ ушлаб қолинган.*

*Ходимнинг ноябрь ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Солиқ солинадиган даромад:*

*1 625 000 – 102 465 = 1 522 535 сўмга тенг.*

*2. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси (1 522 535 сўм даромаддан) аниқланади:*

*233 418,38 + (1 522 535 – 1 505 925) х 25% = 237 570,88 сўм.*

*3. Ушлаб қолинадиган солиқ суммаси аниқланади:*

*237 570,88 – 214 873,25 = 22 697,63 сўм (ноябрь ойи учун солиқ суммаси).*

*4. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига январь-ноябрь ойлари учун даромад солиғи солинадиган иш ҳақидан 1% миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 15 225 сўм 35 тийинни (1 522 535 х 1%) ташкил этади, январь-октябрь ойларида 13 668 сўм 50 тийин ушлаб қолинган, ноябрь ойида 1 556,85 сўм (15 225,35 – 13 668,5) ушлаб қолиниши лозим.*

*5. Ноябрь ойи учун 21 140,78 сўм (22 697,63 – 1 556,85) миқдорида даромад солиғи суммаси ўтказилади.*

***IV МИСОЛ.*** *Ходимга ноябрь ойи учун 165 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланган. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан январь ойида 80 000 сўм ва сентябрь ойида 160 000 миқдорида моддий ёрдам берилган.*

*Солиқ кодекси 58-моддасининг «п» бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг*

# ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

**15**
*** ****

**– қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган шахслар учун ноябрь ойига қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни:**

**автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автотўхташ жойлари (юридик шахслар);**

**болалар ўйин автоматлари;**

**бильярдхоналар** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 16.02.2003 йилда 1218-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-банди);*

**– ноябрь ойига транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 13-банди);*

**– ноябрь ойи учун Республика йўл жамғармасига ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(ЎзР Президентининг 25.10.2006 йилдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида низомнинг 31-банди);*

**– ноябрь ойи учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўлов тўлашнинг сўнгги куни**** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари);*

**– ноябрь ойи учун импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.04.2002 йилда 1123-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**19**

**– ноябрь ойи учун ер остидан фойдаланганлик (фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик) солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**** *(Солиқ кодекси, 109-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.02.2002 йилда 1098-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 10, 11а-бандлари);*

**– ноябрь ойи учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни**** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 27-банди).*

**20**

**– декабрь ойи учун мол-мулк солиғи бўйича ойлик бўнак (жорий) тўловини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 94-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 11.03.2002 йилда 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 17-банди);*

**– ноябрь ойи учун Республика йўл жамғармасига тўлов тўлашнинг сўнгги куни** *(ЎзР Президентининг 25.10.2006 йилдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида низомнинг 31-банди).*

**ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):**
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – **157**
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – **157**
36 соатли иш ҳафтасида – **141**

**ИШ КУНЛАРИ СОНИ:**
5 кунлик иш ҳафтасида – **20**
6 кунлик иш ҳафтасида – **24**

**23**
*** ****

**– декабрь ойининг II ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 84-модда; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 15.03.2004 йилда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 26-банди);*

**– декабрь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 3.01.2002 йилда 1092-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 12-банди).*

**25**

**– декабрь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича бўнак (жорий) тўловини тўлашнинг сўнгги куни****** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 17.05.2007 йилда 1680-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 9-банди);*

**– ноябрь ойи учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ҚҚСни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 54-банди);*

**– танлаш ҳуқуқисиз ягона солиқ тўловини тўловчи, микрофирмалар ва кичик корхоналарга кирмайдиган корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 28.03.2007 йилда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 36-банди).*

**) жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўғрисидаги маълумотлар МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 2а-сон иловада акс эттирилади ва солиқ органларига молия йили тугаганидан сўнг 30 кун ичида топширилади;*

***) микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари. ЎзР Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» ПҚ-100-сон қарорига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадилар;*

****) қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни бир йилда бир марта – ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар топширадилар ва солиқ тўлайдилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган юридик шахслар солиқни чоракда бир марта, чораклик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар. Микрофирмалар ва кичик корхоналар чораклик ҳисоб-китобни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадилар;*

*****) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан қўшилган қиймат солиғи ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирилмасдан тўланади;*

******) ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси) энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналар ва ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган ҳамда бўнак (жорий) тўловларини тўламасдан, тўловларни ҳар чоракда йил бошидан ўсиб борувчи якун билан амалга оширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари;*

*******) ҳисобот чорагида маҳсулотни сотишдан олган даромади (фойдаси) энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ва ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган, тўловларни ҳар чоракда амалга оширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно);*

********) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.*

*ўн икки баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.*

*Ходимнинг январь-ноябрь ойлари учун жами даромади 1 765 000 сўмни (130 000 + 80 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 130 000 + 150 000 + 150 000 + 160 000 + 150 000 + 165 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 226 585,75 сўм солиқ ушлаб қолинган.*

*Ходимнинг ноябрь ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*1. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:*

*17 077,5 х 12 = 204 930 сўм;*

*2. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:*

*1 765 000 – 204 930 = 1 560 070 сўм.*

*3. Январь-ноябрь ойлари учун солиқ суммаси аниқланади (1 560 070 сўм даромаддан):*

*233 418,38 + (1 560 070 – 1 505 925) х 25% = 246 954,63 сўм.*

*4. Ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаймиз:*

*246 954,63 – 226 585,75 = 20 368,88 сўм (ноябрь ойи учун солиқ суммаси).*

*5. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига январь-ноябрь ойлари учун даромад солиғи солинадиган иш ҳақидан 1% миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 15 600,7 сўмни (1 560 070 х 1%) ташкил этади, январь-октябрь ойларида 14 137 сўм ушлаб қолинган, ноябрь ойида 1 463,70 сўм (15 600,7 – 14 137) ушлаб қолиниши лозим.*

*6. Ноябрь ойи учун 18 905,18 сўм (20 368,88 – 1 463,7) миқдорида даромад солиғи суммаси ўтказилади.*

***V МИСОЛ.*** *Ходимга ноябрь ойи учун 165 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланган. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан март ойида унинг аризасига биноан 175 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган. Май ойида ушбу ходимга оила аъзосининг вафоти муносабати билан 150 000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.*

*Солиқ кодекси 58-моддасининг «п» бандига кўра, бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:*

*табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари – тўлалигича;*

*вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;*

*бошқа ҳолларда – энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.*

*Январь-ноябрь ойлари учун жами даромад 1 850 000 сўмни (130 000 + 130 000 + 130 000 + 175 000 + 130 000 + 130 000 + 150 000 + 130 000 + 130 000 + 150 000 + 150 000 + 150 000 + 165 000) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида 213 160,75 сўм солиқ ушлаб қолинган.*

*Ходимнинг ноябрь ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи қуйидаги тартибда ушланади:*

*Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммаси аниқланади:*

*17 077,5 х 12 = 204 930 сўм;*

*17 077,5 х 10 = 170 775 сўм.*

*Солиқ солинмайдиган моддий ёрдам суммаси 204 930 + 170 775 = 375 705 сўмни ташкил этади.*

*325 000 сўмдан (150 000 + 175 000) иборат моддий ёрдам суммаси имтиёз миқдоридан (375 705 сўм) камлиги сабабли солиқ солинадиган даромад:*

*1 850 000 – 325 000 = 1 525 000 сўмга тенг.*

*Кейинги ҳисоб-китоб I мисолдагидек тартибда амалга оширилади.*

***VI МИСОЛ.*** *Корхона ходимига ноябрь ойи учун 165 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланган.*

*Корхона раҳбарининг буйруғига биноан март-ноябрь ойларида унга хизмат сафарлари учун «Нексия» русумли шахсий автомобилидан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланган. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИҲнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. «Нексия» русумли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.*

*Солиқ кодекси 58-моддасининг «ф» бандига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёр доирасидаги компенсация тўловлари жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган даромадига киритилмайди, меҳнат шартномаси бекор қилинганда фойдаланилмаган таътил учун компенсациялар бундан мустасно.*

*Ноябрь ойи учун компенсация миқдори 85 387,5 сўмни (17 077,5 х 5) ташкил қилади ва белгиланган чегараланган миқдордан ошмайди. Март-июль ойларида унинг миқдори бир ой учун 62 100 сўмни (12 420 х 5), август-октябрь ойларида 77 625 сўмни (15 525 х 5) ташкил қилган. Март-ноябрь ойлари учун компенсация миқдори 628 762,5 сўмни (62 100 + 62 100 + 62 100 + 62 100 + 62 100 + 77 625 + 77 625 + 77 625 + 85 387,5) ташкил этади.*

*Январь-ноябрь ойлари учун жами даромад 2 153 762,5 сўмни (130 000 + 130 000 + 130 000 + 62 100 + 130 000 + 62 100 + 130 000 + 62 100 + 130 000 + 62 100 + 130 000 + 62 100 + 150 000 + 77 625 + 150 000 + 77 625 + 150 000 + 77 625 + 165 000 + 85 387,5) ташкил этади. Январь-октябрь ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси 213 160,75 сўмга тенг.*

*Ходимнинг ноябрь ойидаги даромадидан солиқ қуйидаги тартибда ушланади:*

*Солиқ солинадиган даромад аниқланади:*

*2 153 762,5 – 628 762,5 = 1 525 000 сўм.*

*Кейинги ҳисоб-китоб I мисолдагидек тартибда амалга оширилади.*

***VII МИСОЛ.*** *Корхона раҳбарининг буйруғи билан университетни тугатган ва илгари ҳеч қаерда ишламаган янги ходим 1 сентябрдан ишга қабул қилинди. Янги ходим корхона бухгалтериясига маҳалла қўмитасидан тегишли ҳужжатни тақдим этди.*

*Ходимга ноябрь ойи учун 140 000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланган.*

*1. Сентябрь-ноябрь ойлари учун 400 000 сўм даромаддан (130 000 + 130 000 + 140 000) ушлаб қолинадиган солиқ суммаси аниқланади. Октябрь ойида 33 800 сўм ушлаб қолинган.*

*752 962,5 сўмгача даромад суммаси 13% лик ставка бўйича солиққа тортилади:*

*400 000 х 13% = 52 000 сўм.*

*2. Ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:*

*52 000 – 33 800 = 18 200 сўм (ноябрь ойи учун солиқ суммаси).*

*3. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига сентябрь-ноябрь ойлари учун даромад солиғи солинадиган иш ҳақидан 1% миқдорида мажбурий ушланмалар суммаси 4 000 сўмни (400 000 х 1%) ташкил этади, сентябрь-октябрь ойларида 2 600 сўм ушланган, ноябрь ойида 1 400 сўм (4 000 – 2 600) ушланиши лозим.*

*4. Ноябрь ойи учун 16 800 сўм (18 200 – 1 400) миқдорида даромад солиғи суммаси ўтказилади.*

***Ҳисоб-китобни эксперт,***
***Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ***
***тайёрлади.***

# ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ АКЦЕПТСИЗ (СЎЗСИЗ)



***Банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда оммавий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий элементларнинг жамлиги банклар ҳамда улар мижозларининг мулкий ва номулкий ҳуқуқларига дахл қиладиган ғоятда аҳамиятли муаммоларни муҳокама қилиш заруратини юзага келтиради. Пул маблағларини мижоз ҳисобварағидан сўзсиз ундириш ва акцептсиз ҳисобдан чиқаришни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришни ана шундай муаммолар сирасига киритиш керак. Пул маблағларини акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқариш масалалари нафақат банк мижозининг ўз жавобгарлиги соҳасига дахл қилиши, балки бевосита банк манфаатларига тааллуқли бўлган низоли вазиятларнинг юзага келиши муносабати билан ҳам қизиқарлидир.***

Ҳозирги вақтда пул маблағларини сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш ҳуқуқнинг бир неча соҳаси: фуқаролик, банк, хўжалик, молиявий, солиқ, божхона, маъмурий соҳаларни тартибга солиш предмети ҳисобланади.

Бунда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, миллий қонунчиликда ҳозирча «сўзсиз ундириш» ҳамда «акцептсиз ҳисобдан чиқариш» атамаларининг аниқ таърифи назарда тутилмаган, ҳолбуки ўз моҳиятига кўра улар биргина амални, яъни банк томонидан мижознинг пул маблағларини унинг фармойишисиз, тўлов талабномалари ёки инкассо топшириқномалари асосида ҳисобдан чиқаришни назарда тутади. Турли меъёрий ҳужжатларда анча кенг тушунча берадиган турли таърифлашлар – «мажбуриятлар бўйича қарзни сўзсиз ундириш», «ҳисобварақ эгасининг фармойишисиз маблағларни ҳисобдан чиқариш», «пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш» учрайди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг амалдаги қонунчилигида пул маблағларини сўзсиз ва акцептсиз ҳисобдан чиқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилашнинг ғоятда мураккаблигига сабаб шундаки, умуман мазкур институтнинг конституциявий асоси борасида турли нуқтаи назарлар мавжуд ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларнинг анчагина қисми у ёки бу даражада сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқаришнинг ҳуқуқий асослари сифатида идрок этилиши мумкин. Айни вақтда ушбу ҳужжатлар динамик ўзгартишларга мойил, баъзан эса бир-бирларига зид муносабатларга учрайдилар.

Фуқаролик кодексининг *(бундан кейин – ФК)* 783-моддасига кўра банк ҳисобварақдан пул маблағларини мижознинг топшириғи асосида ўчиради (ҳисобдан чиқаради). Мижознинг топшириғисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга (ҳисобдан чиқаришга) суднинг қарори билан, шунингдек ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Бунда икки вазият бўлиши мумкин. Биринчи вазият – мижоз ва банк қандай ҳолларда пул маблағларини акцептсиз ёки сўзсиз ҳисобдан чиқариш мумкинлиги тўғрисида келишиб оладилар. Иккинчи вазият қонунда назарда тутилган акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи билан боғланган.

Шу билан бирга ФКнинг 200-моддасида белгиланишича, мажбуриятлар бўйича қарзни, шу жумладан бюджетга тўловлар бўйича қарзни низосиз (сўзсиз) тартибда ундириб олишга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Моҳиятан олганда, ушбу икки модда ўхшаш ҳуқуқий муносабатларни, яъни пул маблағларини мижоз ҳисобварағидан унинг фармойишисиз ҳисобдан чиқаришни тартибга солади. Бироқ уларда турли асослар белгиланади:

– биринчи ҳолда *(200-модда)* «қонун ҳужжатлари»да (яъни исталган даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда) назарда тутилган ҳисобдан чиқариш асослари тўғрисида сўзланади;

– иккинчи ҳолда *(783-модда)* ҳисобдан чиқариш «суднинг қарори билан, шунингдек Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда» амалга оширилиши мумкин.

Бунда бир моддада «низосиз тартибда ундириб олиш» атамасидан, бошқа моддада эса «пул маблағларини мижознинг топшириғисиз чиқариш» (моҳиятига кўра бу акцептсиз ҳисобдан чиқаришнинг айни ўзидир) атамасидан фойдаланилган.

Шу тариқа савол туғилади: ушбу икки тушунча ўхшашми ёки ҳар ҳолда фарқланадими? Шунингдек ушбу икки меъёрнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабати ҳам унчалик равшан эмас.

**?** **Баъзи қонуности ҳужжатларида «сўзсиз ундириш», бошқаларида эса «акцептсиз ҳисобдан чиқариш» тушунчаларидан фойдаланиладиган ҳолларда саволлар тез-тез юзага келади. Бундан ташқари, баъзи бир меъёрий ҳужжатларда сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш тартибини белгилаб қўйиш ФКнинг юқорида кўрсатилган моддаларида мустаҳкамланган қоидадан бир қадар фарқланади.**

СЎЗСИЗ (акцептсиз) ҳисобдан чиқаришнинг ҳуқуқий асосини аниқ таърифлаш масаласи бежиз қўйилмаяпти. Гап шундаки, бундай имкониятни назарда тутадиган амалдаги қонун ҳужжатлари нафақат ҳуқуқий таъсирга турлича ёндашиш, балки турли хил юридик куч билан ҳам фарқланади.

Чунончи, пул маблағларини сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқаришни назарда тутадиган қонун ҳужжатлари орасидан қуйидагиларни ажратиш мумкин: «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон Қонуннинг 4-моддаси, Божхона кодексининг 112-моддаси, Солиқ кодексининг 134-моддаси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги 472-I-сон Қонуннинг 7-моддаси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги 474-I-сон Қонуннинг 5-моддаси, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида» 1995 йил 22 декабрдаги 177-I-сон Қонуннинг 4-моддаси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» 1998 йил 29 августдаги 670-I-сон Қонуннинг 18 ва 26-моддалари. Бунда баъзи бир қонун ҳужжатларида «сўзсиз ундириш» ҳуқуқи, бошқаларида эса «акцептсиз ҳисобдан чиқариш» ҳуқуқи назарда тутилади, бироқ ушбу икки атама ўртасидаги яққол фарқни аниқлаб бўлмайди.

Қонуности ҳужжатлари орасида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 511-сон қарорини тилга олиш мумкин, унга мувофиқ юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзларни «Ўзбекэнерго» ДАК бўлинмалари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича сўзсиз тартибда ундириб олиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини қайд этиш мумкин, унинг 79-бандида белгиланишича, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқлик билан таъминлайдиган ташкилотнинг тўлов ҳужжатлари бўйича акцептсиз тартибда, тақдим этишнинг боришига қараб амалга оширилади.

2005 йил ўрталаригача пул маблағларини сўзсиз ҳисобдан чиқариш мумкинлиги турли ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарима солишга тааллуқли бутун бир қатор ҳукумат ва идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда (монополияга қарши қонун ҳужжатлари, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари) назарда тутилган эди. Бироқ 2005 йил 14 июнда Президентнинг ПФ-3619-сон Фармони* қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жазо сингари ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари 2005 йил 1 июлдан бошлаб фақат суд тартибида амалга оширилмоқда, яъни банклар томонидан молиявий жазо суммаларини акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқариш **фақат тегишли суд ҳужжати асосидагина** амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳолда молиявий жазо деганда тадбиркорлик субъекти томонидан муайян ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун фуқаролик тартибида эмас, балки **маъмурий тартибда** ундириладиган пул маблағлари (жарималар) суммаларини тушуниш керак. Тадбиркорлик субъектларини янада ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида 2006 йил октябрда ЎРҚ- 59-сон Қонун** қабул қилинди, унга асосан бир қатор қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан молиявий жазо суммаларини суддан ташқари тартибда ҳисобдан чиқариш мумкинлигини истисно этиш учун ўзгартишлар киритилди.

ШУ ТАРИҚА, юқорида кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилидан шу нарса келиб чиқадики, пул маблағларини акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқаришни қўллаш учун асос бўлиб **қарздор томонидан ўз пул мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги далили ҳисобланади.** Бу маънода акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқариш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари билан мос тушади. Акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқаришга доир ҳуқуқ унинг қонун (шунингдек қонуности меъёрий ҳужжатлар) ёки суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланган пайтдан бошлаб ёхуд банк билан мижоз ўртасидаги шартнома туфайли юзага келади. Уни амалга ошириш мумкинлиги айни ҳуқуқбузарлик сингари юридик далил билан боғланган.

Қонунчиликда пул маблағларини акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқариш институти **мажбуриятни зўрлаб бажартириш чораси сифатида** тушунилади. Бунда қарздорнинг ўзи мажбуриятни бажаришга йўналтирилган бирор-бир ҳаракатларни амалга оширмайди. Унинг учун буни кредитор (ундирувчи) қилади.

АКЦЕПТСИЗ ва сўзсиз ҳисобдан чиқариш ўртасидаги бирдан-бир фарқни банк қоидаларида кузатиш мумкин ва улар ушбу институтни амалга ошириш тартиби билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга мувофиқ *(МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом)* пул маблағларини **акцептсиз ҳисобдан чиқариш тўлов талабномалари асосида** амалга оширилади, **сўзсиз ҳисобдан чиқариш** эса **инкассо топшириқномалари асосида** амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга кўра тўлов талабномалари бўйича тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

– иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар чоғида. Бу ҳолда берилган иссиқлик энергияси учун тўлов талабномаси ва ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи томонидан истеъмолчининг хизмат кўрсатувчи банкига тақдим этилади;

– талабномага даъво суммасини тан олиш тўғрисида қарздор ёзма жавобининг асл нусхаси илова қилинган тақдирда *(«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси);*

– банклар томонидан – қарздорларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисобварақларига, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарз ўз вақтида сўндирилмаганда.

Инкассо топшириқномалари қуйидагилар томонидан қўйилади:

– солиқ органлари томонидан – давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва республика Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича тўловлар ва боқимондаларни ундириш тўғрисида, шунингдек юридик шахслар истеъмол қилган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзни ундириш чоғида;

– божхона органлари томонидан – ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарини ундириш тўғрисида;

– суд ижрочилари ва ундирувчилари томонидан – ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

– Молия вазирлиги томонидан:

** Президентнинг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3619-сон Фармони.*

*** «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонун.*

*Адвокат фикри*

# ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ



бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларига – ортиқча ўтказилган маблағларни қайтариш учун; қуйи молия органларининг бюджет ҳисобварақларига; хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларига – ноқонуний олинган маблағлар ва жарималарни Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича ундириш учун; шунингдек қарздорлар ва субқарздорларнинг миллий ва хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига – Ўзбекис-тон Республикаси кафолати остида берилган хорижий кредитларни сўндириш ва фоизларни тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлари бўйича.

Ушбу Низомга кўра тўлов ҳужжатларида ҳисоб-китобларнинг сўзсиз ёки акцептсиз тартибига ҳуқуқ берадиган меъёрий ҳужжат ёхуд шартнома кўрсатилганлигини текшириш банк мажбуриятига киради. Бунда банк мижознинг эътирозларини текширишга ва уларнинг асосланганлигини текширишга, мижоз учинчи шахс билан тузган битимнинг қонунийлигини баҳолашга мажбур эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом **бошқа ҳолларда** пул маблағларини ҳисобварақдан акцептсиз ёки сўзсиз ҳисобдан чиқариш имкониятини назарда тутмайди (улар бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган) ва амалиётда банклар кўпинча ушбу сабабга кўра акцептсиз ҳисобдан чиқаришдан бош тортадилар. ФКнинг юқорида тилга олинган 783-моддасида назарда тутилган акцептсиз (сўзсиз) ҳисобдан чиқаришнинг ҳуқуқий асослари, яъни банк ҳисобварағи шартномасида пул маблағларини акцептсиз ёки сўзсиз ҳисобдан чиқариш шарти мавжудлиги ёки банк ҳисобварағи шартномасига тегишли шартни ўз ичига олган қўшимча битим мавжудлиги кўзда тутилади. Ушбу жиҳат банк қоидалари билан тартибга солинмаган.

Банк соҳасида пул маблағларини банк томонидан мижоз ҳисобварағидан акцептсиз ҳисобдан чиқариш мумкинлиги нафақат юқорида тилга олинган Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомда, балки бир қатор бошқа қонуности ҳужжатларида ҳам назарда тутилган. Бунда, айтиш лозимки, ушбу ҳужжатларда назарда тутилган банкларнинг пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш бўйича ваколатлари ҳар доим ҳам ҳисобдан чиқариш учун қонун билан мустаҳкамланган асосларга эга бўлавермайди. Чунончи, банкларнинг маблағларни мижозлар топшириғисиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июнда 245-сон қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибида, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлда 294-сон қарори билан тасдиқланган Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомда назарда тутилган. Бундан ташқари, Марказий банкнинг турли хил ва шакллардаги кредитларни бериш тартибига тааллуқли бўлган бир қатор қарорларида банкларга қарз олувчи ссуда қарзи бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда мижозларнинг ҳисоб-китоб варақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилган.

**! Фикримизча, «акцептсиз ҳисобдан чиқариш» ва «сўзсиз ундириш» тушунчаларининг қонун ҳужжатларида янада аниқроқ таърифини белгилаб қўйиш зарурати мавжуд, шунингдек бундай ҳисобдан чиқаришни банк амалга ошириши мумкин бўлган асосларнинг ягона таърифини назарда тутиш лозим. Вазиятни амалдаги ФК меъёрларига тўлиқ мувофиқлаштириш, шунингдек пул маблағларини сўзсиз ҳисобдан чиқариш учун барча мавжуд асослар сақланишининг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг акцептсиз (сўзсиз) тартибини назарда тутадиган қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тафтиш қилиш масаласи ҳам жуда муҳим ҳисобланади.**

***Умид УБАЙДУЛЛАЕВ,***
***адвокат, «ATTORNEYS SERVICE GROUP»***
***адвокатлик фирмасининг директори.***

*Хорижий тажриба*

# СОЛИҚЧИЛАР МЕЗОНГА ТУШИРИЛАДИ

***Россия солиқчилари ишининг самарадорлиги энди ҳукумат тасдиқлаган мезонлар бўйича баҳоланади.***

## МАҚСАДЛАР ЎША-ЎША

Солиқчилар ишининг самарадорлиги баҳоланадиган кўрсаткичлар 21 июнда 2008-2010 йиллар учун Федерал солиқ хизмати (ФСХ) ишининг асосий йўналишлари кўриб чиқилган ҳукумат мажлисида маъқулланган. Баҳолаш қуйидаги саккизта асосий мезон бўйича амалга оширилади: солиқларнинг йиғилиш даражаси, социологик сўровларда ФСХ ходимлари ишига берилган ижобий баҳоларнинг улуши, ютиб чиқилган суд ишларининг сони ва улар бўйича ундирилган пуллар миқдори, судгача ҳал қилинган ишлар улуши, солиқ бўйича камайтирилган қарзлар, солиқчилар сайтига кириш ҳоллари миқдори ҳамда электрон ҳисоботни топширувчи ташкилотларнинг улуши.

Солиқчилар учун иложи борича кўпроқ солиқ йиғиш эмас, балки уларнинг тўғри тўланиши устидан назорат бош вазифа этиб белгиланган. Бироқ кўрсатиб ўтилган мезонлардан келиб чиқилса, улар биринчи навбатда айнан бюджетга тушумларни кўпайтиришга йўналтирилганини кўрамиз – бу энг салмоқли кўрсаткич. Сўз йиғимларни ҳар қандай йўл билан кўпайтириш ҳақида бормаётганлиги эса бошқа масала.

Мезонлар шунингдек қанчалик тўғри ушланганлиги суд орқали низолашиладиган солиқларни ундириш билан боғлиқ муайян прецедент базанинг шаклланишига ҳам йўналтирилган. «Тўғрилик»нинг амалий мезонларини белгилаш айни ҳукуматнинг фикрини ифодалаши эҳтимол.

Экспертларнинг фикрича, «солиқлар ва йиғимларнинг йиғилиш даражаси» ва «бюджет тизимига солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзларнинг камайтирилиши» мезонлари ҳисоблаб бўлинган солиқларнинг йиғилиши бўйича ФСХнинг иш даражасини ҳисобга олади. Бунда мазкур кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш алгоритми шундай шакллантирилганки, солиқлар қанча кўп йиғилса, ФСХ ишининг баҳоси шунча кўтарилади. Мазкур боғлиқлик тўғри пропорционалдир. Таклиф этилган мезонларда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши назарда тутилмаган. Улар суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари ва судгача кўриб чиқилган солиқ низоларининг сони билан боғлиқ мезонларда билвосита қамраб олинган.

## ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ

Солиқчилар фаолияти самарадорлигининг мезонларини ишлаб чиқиш ва улар бажарилиши устидан назоратни олиб бориш... ФСХга топширилган. Ҳукумат буни катта камчилик деб ҳисобламоқда. Зеро инспекторлар ўзларининг иш кўрсаткичларини назарий жиҳатдан ошириб юборишлари мумкин. Бироқ ФСХ кўрсатган маълумотларни исталган вақтда текшириш имконининг мавжудлиги сабабли давлат ҳар қандай вазиятда ҳам солиқ органларининг самарадорлик кўрсаткичларини назорат қилиши мумкин. Хусусан, Ҳисоб палатаси экспертлари тақдим этилган ахборотни таҳлил қилишлари мумкин. Манипуляция қилиш имконияти ҳар доим топилади, албатта, бироқ мазкур вазиятда хатарлар эҳтимолий фойдадан кўра кўпроқдир.

Мутахассисларнинг фикрича, инспекторлар иши самарадорлигининг баъзи кўрсаткичлари шубҳа туғдиради. Чунончи, айрим позициялар тафтишчиларнинг ваколатига кирмайди, шу сабабдан ҳам улар тафтишчилар ишининг самарадорлигини унчалик тўғри акс эттира олмайдилар. Масалан, бу солиқчилар билан ташкилотларнинг электрон алоқа воситалари ёрдамидаги ўзаро ҳамкорлигини баҳоловчи мезонга тааллуқлидир, зеро давлат реестрларидан ахборот олувчи солиқ тўловчилар ҳамда бюджет билан ҳисоб-китобларни интернет орқали олиб борувчи ташкилотлар сони солиқ органлари ишининг самарадорлигини акс эттирмай, шунчаки фойдаланувчиларнинг фаоллигини намоён этади. Яъни мазкур ҳолда ФСХни фақатгина техник жиҳатдан жиҳозланганлик даражаси ва тегишли мутахассисларнинг малакаси нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, «солиқ органлари ишининг сифатини қониқарли деб баҳолайдиган солиқ тўловчилар улушининг кўпайиши» каби баъзи мезонлар ҳаддан ташқари умумийдир. Биринчидан, солиқ тўловчилар солиқ органларининг ишига қандай кўрсаткичларга қараб баҳо беришлари белгиланмаган, иккинчидан, сўров билан ким шуғулланишига ҳам кўп нарса боғлиқ.

## СУДГАЧА НИЗОЛАР

Инспекторлар ишининг самарадорлигига баҳо бериладиган энг асосий мезонлардан бири – 2008-2010 йилларда судгача ҳал қилинган солиқ низоларининг улушидир. Ишлаб чиқувчиларнинг фикрича, бу Россияда ҳам ривожланиши керак бўлган оддий жаҳон амалиётидир. Гап шундаки, турли тармоқ корхоналарида ҳисобнинг кўпинча бошқа ташкилотлардан фарқ қиладиган ўзига хос томонлари мавжуд. Судгача муҳокамалар бундай томонларни аниқлашга ёрдам беради. Бу эса кўп фирмаларга бир қатор солиқ даъволари хусусида низо қилишга имкон беради. Бундай амалиётнинг ривожланишига фақат ижобий қараш мумкин – у корхона ва ФСХни ҳамкорлик қилишга ундайди.

Низоларни судгача ҳал қилиш имконияти фуқаролик қонунчилиги билан ҳам назарда тутилган. Бу эса муҳокамаларга кетадиган вақтни қисқартириш ҳамда бюджет ва ташкилотларнинг маблағини тежаш имконини беради. Бироқ мазкур ҳолда солиқчилар томонидан ташкилотга босим кўрсатиш ва низога расмий ёндашиш хатарлари барибир мавжуд бўлади. Шу сабабли судгача муҳокамаларнинг алогоритмини пухта ишлаб чиқиш ва инспекторларнинг жавобгарлигини кучайтириш лозим.

«Судгача кўриб чиқилган шикоятлар ва даъволар улуши» мезонига келсак, у 2009 йил 1 январда Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар кучга кирганидан кейин самаралироқ ишлайди. Уларга кўра ФСХИ билан низоларни фирмалар иш юқори турувчи солиқ органида кўриб чиқилганидан кейингина судда ҳал қилишлари мумкин.

Бироқ инспекторлар фаолиятининг баъзи кўрсаткичлари ФСХнинг 2008-2010 йиллардаги ишининг асосий йўналишларида ўз аксини топмаган. Амалдорлар ва экспертларнинг фикрича, солиқчиларнинг иши баҳоланадиган мезонлар тўлдирилиши керак.

## РЎЙХАТ ТУЗАТИЛИШИ ШАРТ

Ҳокимият органларини солиқларни тўламай, жиноий йўл билан топилган даромадларни поклаб олиш бўйича кўп миллиардли битимларда иштирок этадиган «бир кунлик фирмалар» энг кўп ташвишлантирмоқда. Ишлаб чиқилган мезонлар эса солиқчиларнинг пулларни поклаб олишга қарши ҳеч қандай ҳаракатини акс эттирмайди.

Бундан ташқари, уларда солиқчилар чоп қиладиган кўпдан-кўп йўриқномавий хатлар муаммоси ҳам ўз аксини топмаган. Бундай ҳужжатлар ўзбошимча қарорлар қабул қилиш ва коррупция учун замин яратади. Мавжуд мезонлар қаторига Иқтисодий ривожланиш вазирлиги яна битта мезон – порахўр инспекторларга қарши қўзғатилган ишлар сонини баҳолашни киритишни ҳам таклиф этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган солиқ текширувлари далолатномалари бўйича қўзғатилган ишлар сонининг ҳисобини олиб бориш лозим. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар билан тушунтириш ишини олиб боришни ҳисобга олувчи мезонлар солиқчилар ишининг самарадорлигини янада тўлиқроқ баҳолаш имконини берар эди. У натижа кўрсатаётганини солиқларни қайтариш ва ҳисобга олиш сўровларини кўриб чиқиш муддатларининг қисқаргани, шунингдек камерал ва сайёр текширувлар ўтказиш тасдиқлаши мумкин.

Бироқ, экспертларнинг ҳисоблашича, мақбул мезонларни шакллантиришнинг амалда имкони йўқ. Бунга бартараф этилиши лозим бўлган солиқ ва бюджет қонун ҳужжатлари ўртасидаги мавжуд номувофиқликлар сабабчидир. Гап шундаки, бюджет меъёрлари солиқларни йиғиш меъёрларини ўз ичига олади. Улар бор экан, инспекторлар нафақат қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш, балки бюджетга маблағлар йиғилиши бўйича режа кўрсаткичларини ҳам бажаришга мажбурдирлар.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***



# ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

***БУХГАЛТЕРЛАР ИШ ИЗЛАЁТГАНЛАРИДА РЕЗЮМЕДА, СИЗНИНГЧА, ҚАЙСИ АСОСИЙ ФАЗИЛАТЛАРУ КЎНИКМАЛАРНИ АКС ЭТТИРИШЛАРИ ЛОЗИМ? БЎШ ИШ ЖОЙЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОНЛАРДА УЛАР ЭНГ АВВАЛО ҚАЙСИ ЖИҲАТЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР ҚИЛИШАДИ?***

• **Адвокатлик фирмаси адвокати Ҳилола:**

– Саволга назарий жиҳатдангина жавоб беришим мумкин. Башарти мен ишга кириш учун келган бухгалтерга раҳбар сифатида баҳо берадиган бўлсам, энг аввало унинг касб бобидаги уқуви ва тажрибасига эътибор қилган бўлардим. У бу лавозимда неча йил ишлаганлигига қарардим. Иккинчидан, ўз соҳасида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари борасидаги билимдонлигига, қонун ҳужжатларида рўй бераётган барча ўзгаришларга муносабатини инобатга олардим. Кимлардандир эшитганлари бўйича ишлайдиган бухгалтерлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, айни шу бухгалтерларнинг ҳам қўл остида «Norma» ахборот-ҳуқуқ тизими бор, ўша эшитганларини шу тизимдан текшириб кўриш эса уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Менимча, бунда гап кўп. Мабодо бирон саволга жавоб, жумбоққа ечим топмоқчи бўлиб, таниш-билишларга қўнғироқ қилишга тушсанг, буни сендаги нуқсонга йўйса бўлади. Негаки бу нарса уқувсизлигингни, нўноқлигингни, юзага келган муаммони мустақил ҳал этишга қодир эмаслигингни кўрсатади. Агар одам қонунчилик базасига мунтазам равишда мурожаат қилаётган бўлса, билингки, у ўз устида муттасил иш олиб боради, демак эътиборга, ҳурматга лойиқдир. Юрист сифатида менга у ёки бу бухгалтер олдинги иш жойида қайси соҳада меҳнат қилганлигини, иши корхонамизнинг фаолият йўналишига мослиги ёки мос эмаслигини билиш муҳимроқдир. Айтайлик, қурилиш ва савдо фаолиятини жамлаб тасаввур қилиб бўлмайди, ахир. Улар мутлақо бир-биридан фарқ қилувчи йўналишлардир.

• **Суғурта агентлиги бош бухгалтери Диана Назимовна:**

– Бунга ўхшаш саволларга жавоб берилаётганида негадир ҳалоллик ва ростгўйлик унча эътиборга олинмайди. Ҳолбуки одамни ишга қабул қилишда унинг виждонли, номусли ва андишали эканлиги муҳимроқдир. Тўғри, ўзинг ҳақингдаги резюмеда инсоф-тавфиқли, ҳалол ва андишалиман деб ёзиш нокамтарлик саналади. Бундай фазилатлар кейинчалик, лавозим билан боғлиқ мажбуриятларни адо этиш асносида намоён бўлади. Резюмеда эса аввалги ташкилотлар номию, уларда қанча муддат ишлаганлик кўрсатилади, холос. Уни ўқигани ҳамони ҳар бир иш берувчи сезиб қолади. Агар бухгалтер бир-икки йилгина ишлаб ишдан бўшаётган бўлса, яна бунга йилнинг охирида жазм этаётган бўлса, бўш лавозимга талабгор сифатида унга бу обрў келтирмайди, албатта. Биринчидан, бу шубҳали, иккинчидан, бу унинг масъулиятсизлигидан далолат бериши мумкин.

Ҳаётимда шунга ўхшаш бир воқеа бўлган. Ўшанда зудлик билан ишдан бўшашга тўғри келиб қолди. Директор мендан йилнинг охирида бундай қилмасликни сўради, ҳисоботлар топшириш ва шунга ўхшаш ишлар кўп бўлгани сабабли, фикрим қатъий бўлса, бу ишни келгуси йилнинг бошларида қилишимни сўради. Ўз истагимга хилоф бўлса ҳам, вазиятни билганим сабабли, унинг гапига кўндим. Бир жойда ишлагач, одамларга кўникиб қоласан, шундай экан оғир пайтда ишни ташлаб қочиш инсофдан эмас. Фирмага ҳам қандайдир даражада боғланиб қолган бўласан: орқангдан гап қилишларини истамайсан, албатта.

Борди-ю иш қидирувчи мутахассис ўрнида мен бўлсам, эълонларни ўқиганимда даставвал фирманинг номига, мулк шаклига, фаолият турига эътибор қилган бўлардим. Оқил, эҳтиёткор директор штатда бир эмас, бир нечта бухгалтерга, ишдан кетиш истагида бўлган бош бухгалтер ўрнини исталган пайтда боса оладиган кадрга эга бўлиши керак деб ҳисоблайман. Гап бировнинг ўрнини кўзлашда эмас. Шунчаки ҳаёт долғали, бир жойда қотиб қолган эмас. Бинобарин касалга чалиниш, яшаш жойини ўзгартириш деганларидек ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Фирма эса у ёки бу мутахассис кетиши билан ёпилиб қолмаслиги, фаолиятини тўхтатмаслиги керак. Ҳамонки эълонлар босилаётган экан, демак кимларгадир улар керак. Шахсан ўзим ҳеч қачон эълон бўйича ишга жойлашмаганман. Дўстларим, танишларим тавсияси билан бўлган бу иш. Улар анави яхши, истиқболли фирма, директори ақлли, ишбилармон киши дейишсагина, суҳбатга бориб кўраман. Бошқалар ишга қандай жойлашишади, худо ҳаққи, билмайман!..

• **Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш корхонаси бош бухгалтерининг ўринбосари Рустам Менгариевич:**

– Резюмеда маълумот, иш стажи, замонавий компьютер технологиясидан фойдалана билиш маҳорати сингари асосий мезонлар акс эттирилиши лозим. Негаки ана шу фазилатларнинг биронтасидан бебаҳра бухгалтерда шу оқсоқлик кейинчалик панд бериши мумкин. Бўш иш жойлари тўғрисидаги эълонларни кўздан кечираётганда, энг аввало иш ҳақи миқдорига қарашади. Бундан ташқари мен учун корхона фаолиятининг тури, қолаверса иш шароити, яъни идора қанчалик яхши ускуналанганлиги, компьютер, амалий дастурлар бор-йўқлиги ва шу сингарилар муҳимроқдир.

• **Клиринг палатаси юристи Диля:**

– Ҳар бир одам ишга пухта ва масъул бўлса, ўзини шундай деб билса, резюмеда ҳам шундай деб ёзади, шахсан нимага қодир эканлигини ифода этади. Кўп нарса иш стажига боғлиқ, шу сабабли уни ҳам албатта кўрсатадилар. Яна нималар айтилиши керак, билмайман. Резюме ёзаётганингда, керакли фикрлар қуйилиб келади. Иш қидиришга тўғри келганда, мен иш берувчининг талабларига кўпроқ эътибор қилган бўлардим, фирманинг қаерда жойлашганлиги, табиийки, иш ҳақи ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Эълонда иш ҳақи кўрсатилмаган бўлса, суҳбатлашув асносида гаплашиб олинади.

• **Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Ирина Викторовна:**

– Ўйлашимча, иш берувчини энг аввало ишга кирмоқчи бўлаётган ходимнинг амалий иш стажи қизиқтиради. Иккинчидан, илгари у қаерда, қайси фирмаларда ишлаганлигига эътибор қилинади. Нима учун бир жойда узоқроқ ишлаганлигига ёки аксинча, бошқа бир жойдан уч-тўрт ой ишлаши билан бўшаб кетганлигига эътибор қилинади. Ана шу кўрсаткичларга қараб мутахассиснинг ишига пишиқ, касбини пухта билиши хусусида муайян бир фикрга келиш мумкин. Агар бу одам ниначидек у ишдан бу ишга кўчиб юрган бўлса, иш берувчи бир қарорга келишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўриши керак. Одатда фирма бухгалтерлари камдан кам ўзгаради. Яна бир нарса. Ҳамонки, бухгалтер ишдан кетишни ихтиёр қилган экан, у билан яхшиликча хайрлашган маъқул.

Бухгалтер ўзига иш излаётганида, фирманинг тоифасига, нима билан шуғулланишига, қачондан бери фаолият кўрсатаётганига эътибор қилади. Иш ҳақи ҳам бунда асосий масала ҳисобланади, албатта. Одатда резюмеда ҳам, бўш иш жойлари тўғрисидаги эълонларда ҳам иш ҳақининг аниқ миқдори кўрсатилмаганлиги сабабли суҳбатлашувда иш берувчи билан иш ҳақи ҳақида қатъий гаплашиб олиш керак. Шахсан директорнинг ўзи билан ёки корхона раҳбариятининг бошқа вакили билан юзма юз учрашувда шундай қилинғани дуруст. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги эълонда маош 180 минг сўм ва ундан ҳам кўпроқ деб кўрсатилган бўлса, фирма афтидан бу билан бўлғуси ходимни дарҳол ишга жалб этишни хоҳлайди ёки маошнинг чегарасини писанда қилган бўлади. Чунки баъзи ишга талабгорлар маош имкон қадар кўпроқ бўлишини кўзлашади... Иш берувчи иш ҳақи миқдорини кўрсатиш билан ўзини ортиқча безовта қилишлардан холи этади.

• **Дастурий таъминот соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркор Ольга Ивановна:**

– Бухгалтерни ишга қабул қилишда унинг иш стажига эътибор қилган бўлардим. Иш стажи қанча кўп бўлса, шунча яхши. Маълумотига оид талабдан кейин бу асосий мезондир. Бош бухгалтер эмас, ҳатто оддий бухгалтер бўлиб ишлаган бўлса ҳам майли – ўз ишининг сирасрорларини амалиётда ўрганган бўлади. Уни кейинчалик бош бухгалтер қилиш мумкин. Компьютерни билиши, ҳеч бўлмаганда Word, Excelни, «Norma» ахборот-ҳуқуқ тизимини билиши керак. Ҳозир бусиз бўлмайди. Оддий тўлов қоғозини ҳам компьютерда босиш керак, чунки банкларда ёзув машинкасида ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайдилар. Хуллас, давр молия соҳасида иш юритишга янгича талаблар қўймоқда.

Бирон жойга ишга жойлашмоқчи бўлсам, мўлжаллаётган жойда компьютерда ишлаш кўникмалари зарур деган бандга қарайман. Бошқача қилиб айтганда, мен ниманидир билсам ва айни шу билган нарсамга талаб бўлса, бажонидил ўша ишга бораман. Қадримга етишади деб ишонаман. Умуман олганда ҳар қандай фирма, корхонада иш шу таҳлит йўлга қўйилган бўлса керак. Иш ҳақи ва ишлаш тартиби масалалари аҳамиятига кўра юқорида айтганларимдан кейинроқ поғонада юради. Иш тақозоси билан бир жойда ўтирмайман, куним шаҳар бўйлаб ўтади. Ишга жойлашмоқчи бўлаётган фирмада, суҳбатлашув вақтида, иш режими қаттиқ эканлиги, фалон соатдан фалон соатгача ўтириб ишлаш кераклиги маълум бўлса, ўзим учун бўш вақт бўлмаслиги сабабли таклиф этилаётган ишни маъқул деб билмайман. Шу сабабли касаначи бухгалтерлар резюме ёзишда ҳам, кейинчалик ишга жойлашиш муддаоси билан бўш иш жойи қидиришда ҳам жуда эҳтиёткордирлар.

• **Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Евгения:**

– Умуман олганда, бизда ишлашга талабгор ходим ўз резюмесида нималар деб ёзганлиги аҳамиятсиздир. Шу одам билан шахсан учрашиб гаплашиб олиш муҳимроқ. Зотан қоғозга истаган нарсангни хоҳлаган йўсинда ёзишинг, ҳақиқий ҳолатни кўрсатмаслигинг мумкин. Мен иш берувчи сифатида биринчи навбатда эътибор қиладиган нарса – бухгалтернинг муомаласидир. Бу бизнинг меҳмонхона хизматларини кўрсатиш соҳамиздагина эмас, балки умуман барча тармоқда муҳимдир. Ишга талабгор бир сўзли бўлиши, айтган гапининг устидан чиқиши, табиийки, касб борасида билим ва уқувли бўлиши керак. Бундай ҳолларда тажриба ҳамиша ҳам муҳим роль ўйнайвермайди. Бизда шундай ходимлар борки, улар мутлақо иш тажрибаси бўлмаса-да, иш жойининг ўзида мутахассисликни тезгина эгаллаб олдилар ва муайян тажрибаси бор мутахассисларга нисбатан омилкор ва билимдон бўлиб қолдилар. Гапнинг рости, ҳамма нарса одамнинг ўзига, ғайрат-шижоати ва интилишига, билимни эгаллаш қобилияти ва уқувига боғлиқдир.

Бухгалтер иш излаётган бўлса, эътиборни кўпроқ компаниянинг ўзига, яъни у маҳаллий корхонами ёки чет эл сармояси иштирокидаги қўшма корхонами – шунга қаратади. Ҳар қалай, мен учун бу асосий мезондир. Шундан кейингина у иш берувчи ўртага қўяётган талабларга эътибор қаратади, бу талабларни бажаришга чоғи келадими-йўқми, чамалаб кўради. Иш ҳақи хусусида эса учрашув вақтида келишиб олинади.



• **Аҳолига телефон хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Татьяна Ивановна:**

– Резюмеда энг аввало иш тажрибасини кўрсатиш керак. Йирик ташкилот ёки компанияга ишга боришни мўлжаллаётган бухгалтерда иш стажи камида беш йил бўлиши керак деб ўйлайман. Компьютер ва ташкилий техникадан фойдалана билиш иккинчи ўриндаги талаб, аммо мажбурий шартдир. Мен, масалан, бухгалтериямизга амалий иш стажи бўлган, солиқ ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини биладиган талабгорларнигина ишга қабул қиламан. Ишга кирмоқчи бўлаётган мутахассиснинг одамохун ва одамшавандалиги ҳам эътиборга олиниши керак (жамоамиз жуда аҳил, қўл остимдагилар ўртасида ҳар хил келишмовчилик ва шахсий низолар бўлишига йўл қўймайман). Бирон ходимни ишга қабул қилаётганимизда, унинг аввалги иш жойидан юриш-туришини, ҳалол, инсофли ва виждонли эканлигини, бошқа фазилатларини албатта суриштирамиз. Бухгалтерлар учун бу нарса жуда муҳим эканлигини яхши биласиз. Дарвоқе , компаниямизга савияси ва соҳаси ҳар хил мутахассислар тавсиялар билан ҳам келишади.

Бухгалтер иш қидираётган бўлса, бунда иш ҳақи биринчи даражали аҳамиятга эга. Иш тажрибаси, касб борасидаги билимига бўлган талаб иккинчи ўринда туради. Шу зайл у моддий талаб-эҳтиёжлари ва ақлий қобилияти мутаносиблигига эътибор тортади. Компаниямиз бухгалтерлари, масалан, дуч келган жойга эмас, нуфузлироқ фирмаларни танлаб ишга жойлашсалар керак.

• **Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Галина:**

– Раҳбар аввало ишга талабгорнинг маълумотига эътибор қилса керак. Олий маълумотли бўлса янада яхши. Сўнгра илгари қайси компанияларда ишлаганлигига, бухгалтер лавозимида қанча муддат меҳнат қилганлигига қарайди. Шу зайл профессионаллиги нуқтаи назаридан ҳам, инсоний фазилатларини эътиборга олиш нуқтаи назаридан ҳам баҳо берилади. Ишлаган жойини кўп ўзгартирган бўлса, ҳар қандай одамни ўйлантириб қўйиши турган гап. Ходимларни ишга олиш билан шуғулланишимга тўғри келса, амалий иш стажи бўлган, касбини яхши биладиганларни маъқул топардим. Лекин бугунги кунда ёшларга ҳам йўл очиқ. Бирон ташкилотга эндигина ўқишни битирган мутахассис ишга келган бўлса, ҳамма нарсани жон-дили билан ўрганишга тушади ва бундан фойда топади. У ниманидир тушунтириб, кўрсатиб беришни сўраган тақдирда ҳам, табиийки, ҳар қандай топшириқни яхшироқ қилиб бажаришга ҳаракат қилади. Одамда интилиш бўлса, кўп нарсани тез ўрганиб олиши мумкин.

Очиғини айтганда, менга ёшлар билан ишлаш кўпроқ ёқади. Ёши 50 дан ошган тажрибали бухгалтерларда фикр юритиш ҳам бир мунча эскичароқ, қотиб қолганроқ бўлади, улар билан мулоқот баъзан қийинроқ кечади. Биргина мисол. Яқинда туман солиқ инспекцияси шаҳар бошқармаси мутахассислари иштирокида семинар ўтказди. Семинарда кўпгина саволлар кўтарилди, шу жумладан бир неча бор ўртага ташланган ва ўшанча марта ҳал қилинган масала – асосий маблағларни ундириш масаласи кўтарилди. Семинарнинг охирида ёши каттароқ бир одам ўрнидан туриб, раёсатда ўтирганларга ҳалигина кўтарилган ва муҳокама қилинган саволни берди. Бундай «мутахассислар» бухгалтериянинг энг асосий масалаларидан бири ечимини билмасдан туриб қандай ишлаётганига ҳайрон қоласан киши.

Шу муносабат билан узоқ вақт бир фирмада, бир лавозимда ишлаб келаётган оддий бухгалтернинг юқорироқ лавозимга, йирикроқ, обрўлироқ компанияга ўтиб ишлашни хоҳлаб қолганлигини тушунса бўлади. Бундай кезларда унда янги иш жойига, айтайлик қўшма корхонага бош бухгалтер бўлиб ўтиш, яхшироқ маош олиш истаги бўлади. Бошқа иш жойига ўтишни мўлжаллаётган одамни энг аввало корхонанинг ўзидагина эмас, балки бевосита бориб ишлайдиган идорадаги аҳвол, ходимлар қанча эканлиги қизиқтирса керак. Бухгалтер сифатида ишга боришни мўлжаллаётган корхонада маблағ айланмаси қандайлиги, зарар кўриб ишламаётганлиги ҳам уни бефарқ қолдирмайди... Бинонинг ички ва ташқи пардози, ходимларнинг қиёфаси ва хулқ-атвори, қимматбаҳо бўлмаса-да замонавий, оҳорли кийинганликлари, хушфеъл ва очиқчеҳра эканликлари ҳам кўп нарсадан далолат беради.

• **Адвокатлик бюроси директори Игорь Владимирович:**

– Мен раҳбар сифатида, шунда ҳам биринчи саволга жавоб беришим мумкин. Биринчидан, одамда муайян маълумот бўлиши керак. Билим, маълумот ҳар қандай касбни эгаллашингга ёрдам беради. Шахсий фазилатлар, ишга жиддий муносабат, зиммадаги вазифага масъулият билан ёндашув, қолаверса амалий иш стажи борлиги ҳам инобатга олинмоғи керак.

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

***СИЗЛАРДА ХОДИМЛАР МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШИ ҲАМДА КАСБ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШИГА РАҲБАРЛАРИНГИЗ ҚАНДАЙ ҚАРАШАДИ? БУНДАЙ ЭЗГУ НИЯТНИ СИЗ ҚАЙ ЙЎСИНДА АМАЛГА ОШИРГАН БЎЛАРДИНГИЗ: МАХСУС АДАБИЁТЛАР ЎҚИЙСИЗМИ ЁКИ СЕМИНАР ВА ТРЕНИНГЛАРГА ҚАТНАЙСИЗМИ? ДАВРА СУҲБАТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИБ, ТАЖРИБА АЛМАШАСИЗМИ ЁХУД КУРСЛАРГА БОРИШ МАЪҚУЛРОҚМИ? ХОДИМЛАРНИНГ ЎҚИШИ ЁКИ ҚАЙТА ТАЙЁРГАРЛИКДАН ЎТИШИГА ИШ БЕРУВЧИ ОҒРИНМАЙ МАБЛАҒ АЖРАТАДИМИ? У ТАЪЛИМ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАДБИРЛАР ИШ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛИШИГА РОЗИ БЎЛАРМИКИН?***



Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки **normapress@mail.ru** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликлари учун сўровимиз иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар. **Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»;

– «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «ЎзМЕД-лизинг» очиқ акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сон Фармони)»;

– «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:**

– ЎзР МБ бошқаруви, МВнинг «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

• **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 10 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ УЧУН ТЎЛОВЛАР МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Кўчирма)**

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 452-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловларнинг асосланганлиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан қуйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги учун назарда тутиладиган харажатларида сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия тўловлари учун алоҳида сатр билан маблағ ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий сув хўжалиги ташкилотлари учун шахсий ҳисобварақлар очилади;

ҳудудий сув хўжалиги ташкилотларининг харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланганидан ҳамда Молия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатга олингандан сўнг, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ягона маълумотлар базасида қайд этилади;

сув хўжалиги ташкилоти билан энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган харажатлар сметаси доирасида тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилиши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловлар уларнинг шахсий ҳисобварақларидан Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали «Ўзбекэнерго» ДАКнинг махсус банк ҳисобварағига ўтказилади;

Ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари ҳисоблагич асбоблар кўрсаткичлари билан тасдиқланган электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар билан сув хўжалиги ташкилоти ва энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, шунингдек ўзаро ҳисоб-китобларни қиёслаб текшириш ҳужжатлари асосида истеъмол қилинган электр энергия тўловларини амалга ошириш учун электрон тўлов ҳужжатларини шакллантиради.

Бунда қиёслаб текшириш ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий сув хўжалиги тузилмалари ҳамда Молия вазирлиги Ғазначилиги бошқармаларининг биринчи раҳбарлари томонидан биргаликда тасдиқланади.

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ ОРГТЕХНИКА
T&T
171-00-57, 142-65-50
www.texnika.uz info@texnika.uz

2. Белгилансинки, қуйидагилар:

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан даврлар бўйича электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғри аниқланиши ва улардан мақсадли, аниқ фойдаланилиши устидан — сув хўжалиги ташкилотлари идоравий мансуб бўлган тегишли минтақавий тузилмалар томонидан;

истеъмол қилинган электр энергия учун тўланадиган сумманинг асослилиги устидан — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Молия вазирлиги Ғазначилиги бошқармалари томонидан тизимли назорат амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси зиммасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўланган сумларнинг асослилигини мунтазам равишда ёппасига ва танлаб текширишларни ўтказиш вазифаси юклансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 5 ноябрь*
*ПҚ-723-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# 2011 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИКАВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА*

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 46-47-сон, 465-модда)*

Фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

республика аҳолиси, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида уларни ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сарф-харажатларини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларининг саноат миқёсида ишлаб чиқарилишини таъминлаш, энг аввало ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш учун уларни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини амалга ошириш.

2. «Ўзфармсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, фармацевтика тармоғи корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури маъқуллансин, унда қуйидагилар назарда тутилади:

2007-2011 йиллардаги даврда фармацевтика саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсадли параметрлари 1-иловага** мувофиқ;

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари ҳамда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция таклифлари рўйхати 2** ва 3**-иловаларга мувофиқ.

«Ўзфармсаноат» ДАК бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсадли прогноз параметрлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзфармсаноат» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини яхшилаш, уларнинг аҳолига, биринчи навбатда пенсионерлар, ногиронлар ва қариялар учун мақбул нархларда ишлаб чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берган ҳолда, чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

аҳолига ҳамда даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари ходимларига маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг турлари тўғрисида мунтазам ва тизимли асосда ахборот бериб борилишини, шунингдек маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ҳар йилги савдо-ярмаркалари ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» АК билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига бўлган талабни ўрганишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини доимий асосда олиб боришни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришни таъминлаш учун уларни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар ўтказсин ва инновация ишланмаларини яратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган препаратлар ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олган ҳолда 2008-2011 йилларда республика даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолисини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари ҳажми ва турларини аниқлаш мақсадида даволаш стандартларининг тизимлаштирилишини якунласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 19 ноябрь*
*ПҚ-731-сон.*

---

***Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 20 ноябрдаги сонида эълон қилинган.***
*****1-3-иловалар берилмайди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# ПАХТА ТОЛАСИНИ РЕСПУБЛИКАНИНГ ИЧКИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА СОТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Кўчирма)**

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 46-47-сон, 467-модда)*

Пахта толасининг юқори ликвидли ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек сифатли, экспортга йўналтирилган, халқаро стандартларга жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республиканинг пахта толасини қайта ишлайдиган барча корхоналари учун пахта толасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ–456-сонли қарорида назарда тутилган шартлар асосида эркин айирбошланадиган валютада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали харид қилишнинг ягона тартиби ўрнатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сонли қарори 5-бандида назарда тутилган, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарига ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) шартнома тузиш пайтида таркиб топган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархларда эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғи нулинчи ставка бўйича қўшиб ҳисобланган ҳолда) сотиб олишга рухсат бериш бўйича имтиёзлар муддати 2011 йилнинг 1 январигача узайтирилсин, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилсин.

3. Белгилансинки, ўз маҳсулоти ҳажмининг 80 ва ундан кўпроқ фоизини, шу жумладан, ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндилари)ни эркин айирбошланадиган валютада сотувчи республика тўқимачилик саноати корхоналари 2011 йилнинг 1 январигача бўлган даврда мулк солиғи тўлашдан озод этилади.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 21 ноябрь*
*ПҚ–733-сон.*

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# «ЎЗМЕД-ЛИЗИНГ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 46-47-сон, 469-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон қарорига мувофиқ, шунингдек тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимида лизинг муносабатларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банки, «Пахта-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», Ипотека-банкнинг бошланғич устав фонди 1,5 млрд сўм миқдорида бўлган ва муассислар ўртасида 1-иловага* мувофиқ тақсимланадиган очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «ЎзМЕД-лизинг» ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «ЎзМЕД-лизинг» очиқ акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиз ва чет эл банклари кредитлари ва қарзларини жалб этиш йўли билан замонавий юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналари, улар учун эҳтиёт қисмлар, анжомлар ва махсус транспорт (кейинги ўринларда «тиббиёт асбоб-ускуналари» деб юритилади) харид қилиш;

тиббиёт асбоб-ускуналарини шартнома асосида лизингга ва узоқ муддатли ижарага бериш, шунингдек уларни тиббиёт муассасаларига сотиш.

3. «ЎзМЕД-лизинг» очиқ акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг ходимларининг чекланган умумий сони 17 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 15 нафар бўлган бошқарув тузилмаси 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бошқа муассислар билан биргаликда бир ой муддатда «ЎзМЕД-лизинг» очиқ акциядорлик жамиятининг таъсис йиғилишини ўтказсин ва лизинг компаниясининг таъсис ҳужжатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини, шунингдек компаниянинг давлат рўйхатига олинишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «ЎзМЕД-лизинг» очиқ акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясини жойлаштириш учун белгиланган тартибда бино ажратсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 13 ноябрь*
*236-сон.*

***1-2-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Иловалар матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 26 ОКТЯБРДАГИ 218-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 23 ОКТЯБРДАГИ ПФ–3931-СОН ФАРМОНИ)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 46-47-сон, 470-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ–3931-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорининг 1-бандидаги «15525» рақами «18630» рақами билан алмаштирилсин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 19 ноябрь*
*239-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 46-47-сон, 472-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у 2008 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган маълумотлар базасини марказлаштирилган тартибда шакллантириш ва юритиш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тўғрисидаги ахборотларнинг зарур даражада ҳисобга олиниши ва тизимлаштирилишини таъминласин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини оширишнинг ушбу қарор билан тасдиқланган муддатлари ва тартибига қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 22 ноябрь*
*244-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш уларнинг касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, уларнинг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари малакасини ошириш юриспруденция соҳасидаги назорат ва амалий билимларни чуқурлаштириш ва янгилаш, уларнинг касбий тайёрлигининг бажариладиган вазифалар ва функцияларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

### II. ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

3. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт.

4. Юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган шахслар ишга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак.

Юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган ва кейинги беш йил мобайнида аттестациядан ўтказилган шахслар ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ аттестациядан ўтиши керак.

Қуйидагилар аттестациядан ўтказилмайди:

олий таълим муассасаларини тугатган ва олинган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар, агар мазкур мутахассислик бўйича икки йилдан кам ишлаган бўлса;

ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бор аёллар;

юридик маслаҳатчи ёрдамчиси лавозимида ишлаётган шахслар.

5. Юридик хизмат ходимлари аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, ушбу Низомда белгиланган тартибда, тегишли адлия органларига аттестациядан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Олий таълим муассасасини тугатгандан кейин, олинган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар мутахассислик бўйича ишлаган икки йиллик муддат тугаган вақтдан бошлаб уч ойдан кечикмай аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилиши шарт.

6. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

8. Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида камида беш кишидан иборат таркибда аттестация комиссиялари тузилади.

9. Аттестация комиссиялари таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирнинг тегишли ўринбосари, ҳудудий адлия органларида эса — ҳудудий адлия органи раҳбари аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссиялари таркибига, келишувга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилиши мумкин. Ҳудудий адлия органларининг аттестация комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тегишли бўлинмаси ходими мажбурий тартибда киритилади.

10. Аттестация комиссияси раиси:

аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;

аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;

аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг тегишли таркибий бўлинмаси аттестация комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади, у:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

талабгорлар анкеталарини шакллантиради ва тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда талабгорларга етказади;

аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

## III. АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТАДИГАН ШАХСЛАРНИНГ АРИЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

11. Аттестациядан ўтиш учун тегишли адлия органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) аттестациядан ўтиш тўғрисидаги ариза;

б) талабгорнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича анкетаси;

в) олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) меҳнат дафтарчасининг иш жойида тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма;

д) иш жойидан тавсифнома;

е) малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат (агар мавжуд бўлса) нусхаси.

12. Ҳужжатлар адлия органига бевосита топширилади ёхуд топширилгани тўғрисидаги билдиришномани олган ҳолда, буюртма хат билан юборилади.

Ҳужжатлар адлия органининг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси, ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган ҳолда талабгорга топширилади (юборилади).

Топширилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

13. Ариза ва ҳужжатлар улар олинган кундан бошлаб икки кун муддатда кўриб чиқилади. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда ишчи орган томонидан аттестацияга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва тегишли билдиришнома талабгорга бевосита топширилади ёки почта орқали юборилади. Билдиришномада аниқланган камчиликлар, камчиликларни бартараф этиш ҳамда такрорий кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

14. Аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилишига асос бўлган камчиликлар бир ой муддатда бартараф этилган тақдирда ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши мумкин.

15. Қуйидагилар аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади:

зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатларни тақдим этганлик ёки ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги.

Аттестациядан ўтишга бошқа асослар бўйича қўйилмасликка йўл қўйилмайди.

16. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда талабгор ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак.

## IV. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

17. Аттестация ҳужжатларнинг тақдим этилишига қараб ўтказилади, аттестациянинг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида талабгор аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин хабардор қилинади.

18. Аттестацияга узрли сабабга кўра келмаган талабгорлар аттестация комиссиясининг кейинги навбатдаги мажлисида аттестациядан ўтказилади.

Аттестацияга узрсиз сабабга кўра келмаган талабгорларга ёзма огоҳлантириш юборилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келинмаган тақдирда аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида талабгорни аттестациядан ўтмаган деб ҳисоблаш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақлидир.

19. Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Талабгор ишлайдиган ташкилотнинг вакили аттестация комиссияси мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин. Аттестация тугагандан кейин вакилнинг фикр-мулоҳазаси эшитилади.

20. Аттестация комиссияси мажлиси комиссия аъзоларини талабгорнинг ҳужжатлари билан таништиришдан бошланади.

21. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади.

Суҳбат жараёнида берилган саволлар ва талабгорнинг жавоблари (ип ўтказиб тикилган ва муҳр билан тасдиқланган) махсус журналда қайд этилади.

Талабгор билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳаси, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ соҳаси, фуқаролик ва меҳнат қонунчилиги асослари, шар-

томавий-ҳуқуқий фаолият, суд ишларини юритиш асослари бўйича суҳбат ўтказилади.

Саволларнинг тахминий рўйхати ва аттестация комиссияларининг иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

22. Аттестация комиссияси талабгорнинг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

талабгорни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

талабгорни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

23. Аттестация комиссиясининг қарорлари аттестация комиссиясининг мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш талабгорнинг иштирокисиз ўтказилади. Аттестация жараёни, шу жумладан аттестация комиссияси аъзолари, аттестациядан ўтказилаётган ходим, ташкилот вакили томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, шунингдек аттестация комиссиясининг қарори аттестация комиссиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланадиган протокол билан расмийлаштирилади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

24. Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

25. Юридик хизматнинг аттестациядан ўтган ходимига икки кун муддатда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати — беш йил.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳисобга олиш сериясига ва тартиб рақамига эга бўлади. Гувоҳномаларни олиш, ҳисобга олиш ва сақлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

26. Юридик хизматнинг аттестациядан ўтмаган ходими такрорий аттестациядан ўтиш учун аттестация ўтказилган кундан уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай мурожаат қилиши мумкин.

Агар талабгор такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддат мобайнида такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органи ходимнинг иш жойи бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

27. Юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси қарорига кўра тўхтатилиши мумкин.

Қуйидагилар:

юридик хизмат ходими томонидан ўз хизмат мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зиён етказилишига олиб келган тақдирда;

гувоҳнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги ҳолати аниқланганлиги юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлади.

28. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

## V. АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМАЛАР ДУБЛИКАТЛАРИНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ

29. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар юридик хизмат ходими ўз фаолиятини илгари берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

30. Қайта расмийлаштириш пайтида аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак. Аттестациядан ўтганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома бекор қилинади.

31. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда юридик хизмат ходимининг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

32. Дубликатни беришда юридик хизмат ходимига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан «ДУБЛИКАТ» белгиси қўйилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак.

33. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилиши ва дубликати берилиши учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайди.

## VI. ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

34. Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ҳар беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

35. Малака ошириш муддати икки ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас.

Юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимларига белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Малака ошириш дастурлари ва шакллари, шунингдек сертификат шакли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш дастурлари Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарори билан белгиланган юридик хизматларнинг асосий вазифаларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Марказ билан тегишли ташкилот ўртасида тузиладиган шартномалар асосида тўлов эвазига амалга оширилади.

Малака ошириш учун тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

37. Малака ошириш даврида юридик хизматлар ходимларига уларнинг иш жойи бўйича иш ҳақи ва лавозими сақланади. Хизмат сафари харажатлари малака оширишга юборган тегишли ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари юридик хизматларнинг ходимлари ҳисобини юритади.

39. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ва уларнинг ходимлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимлари аттестациядан ўтиши ва малака ошириши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган юридик хизматлар маълумотлари базасини шакллантиради ва уни марказлаштирилган тартибда юритади.

40. Ҳудудий адлия органлари йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юридик хизматлар маълумотлари базасига киритиш ва уни мунтазам

равишда янгилаб бориш учун юридик хизматлар, уларнинг ходимлари ва уларнинг белгиланган муддатларда аттестациядан ўтиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

41. Марказ йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юридик хизматлар маълумотлари базасига киритиш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш учун юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

42. Юридик хизматлар маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби, маълумотлар базасига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш шакли ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА ТАДБИРКОРБАНК КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 августда 1548-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 31-32-сон, 326-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом»га (2006 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1548 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 8-сон, 60-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

***2006 йил 18 августдан кучга киради.**

***Марказий банк Бошқаруви раиси***
**Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**
*273-В-1-сон*

***Молия вазири***
**Р.АЗИМОВ.**
*67-сон*

*Тошкент ш., 2006 йил 16 июль.*

*Марказий банк Бошқаруви ва Молия вазирлиги томонидан 2006 йил 16 июлдаги 273-В-1 ва 67-сонли қарор билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА ТАДБИРКОРБАНК КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Низомнинг номи ва бутун матнидаги «Тадбиркорбанк» сўзи «Микрокредитбанк» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 33-банддаги «1/6» сони «1/4» сони билан алмаштирилсин.

3. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига 5000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига 10 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда берилади.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий ва мақсадли дастурларига хизмат кўрсатувчи банклар билан келишилган ҳолда киритилган юридик шахсларга Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини яратишга мақсадли кредитлар 50 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентигача бўлган миқдорда берилади».

4. 39-банд 4-хатбошидан кейин қуйидаги таҳрирдаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий ва мақсадли дастурларига киритилган юридик шахсларга Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентидан ортиқ миқдордаги кредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида».

5. 61-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

6. 63-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги 3 (уч) нусхада кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охирги бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади».

7. 85-банд «вазирлиги» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» сўзлари билан тўлдирилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири***
***О.ОБИДОВ.***

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.***
***Б.УЛАШЕВ.***

***Савдо-саноат палатаси раиси***
***А.ШАЙХОВ.***

***Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси***
***С.ҚОБИЛОВ.***

*Тошкент ш., 2006 йил 16 июль.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 10 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 17 октябрдаги 72-сонли буйруғи.*

***2007 йил 13 ноябрда 1185-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 ноябрдан кучга киради).***

2. «Уруғлик пахта хом ашёси етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2007 йил 2 октябрдаги 89, 3/11-сонли қарори.*

***2007 йил 14 ноябрда 1738-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 24 ноябрдан кучга киради).***

3. «Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 5 ноябрдаги 15, 01/16-18/15-сонли қарори.*

***2007 йил 16 ноябрда 797-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 26 ноябрдан кучга киради).***

4. «1-МОН «Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш бўйича ҳисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 6 ноябрдаги 18, 13-сонли қарори.*

***2007 йил 16 ноябрда 1066-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 26 ноябрдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий таъминотлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/3-сонли қарори.*

***2007 йил 20 ноябрда 856-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 ноябрдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 29 сентябрдаги 25/4-сонли қарори.*

***2007 йил 20 ноябрда 1739-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 ноябрдан кучга киради).***

7. «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 5 октябрдаги ЭГ-01/10-5248, 01-02/6-28, 2007-55-сонли қарори.*

***2007 йил 21 ноябрда 1740-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 декабрдан кучга киради).***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Давлат активлари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ҳисоби ва фаолияти мониторингининг ягона тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 797, 1999 йил 6 август).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 16 ноябрдаги 221-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. 1-МОН «Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жўнатиш бўйича ҳисобот»ни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1066, 2001 йил 15 сентябрь).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 16 ноябрдаги 222-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида дастурий таъминотлардан фойдаланишга рухсат бериш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 856, 1999 йил 21 декабрь).*

**Адлия вазирининг 2007 йил 20 ноябрдаги 223-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

### III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. Нефть ва газ қудуқларини қуриш, ишлатиш ва таъмирлаш жараёнида газ, нефть ва сувни отилиб чиқишини ва очиқ фавворaларни олдини олиш йўриқномаси. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. Нефть ва газ қудуқларида отилиб чиққан ва очиқ фавворaларни бартараф қилиш ишларини ташкил этиш ва хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқнома. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***
***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.***

## ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИ ДАРОМАД БЎЛГАНДА...

**?** ***Чехиядаги олий ўқув юртига контракт асосида кириб ўқиётган талаба мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузган. Шартномага кўра, корхона талабанинг ўқиш харажатларини қоплаши, талаба эса ўз навбатида 5 йил мазкур корхонада ишлаб бериш мажбуриятини олган. Талабанинг ўқиши учун тўланаётган маблағ солиққа тортиладиган даромадга кирадими-йўқми?***

**А.Бобоқулов.**
**Фарғона шаҳри.**

– Молия вазирлиги ва ДСҚнинг Адлия вазирлигида 1998 йил 30 октябрда 517-сон билан рўйхатдан ўтказилган тушунтириш хатида корхоналар томонидан талабаларга Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарори ва фармойишларига мувофиқ олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишлари учун ўтказилан маблағлари **жисмоний шахснинг жами даромадлар таркибига киритилмаслиги ва даромад солиғига тортилмаслиги** кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 майдаги «2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги ПҚ-645-сон қарорига 1-3-иловаларда олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари зикр этилган бўлиб, унда Сиз хатингизда келтирган олий таълим муассасаси келтирилмаган.

Юқорида келтирилганлар асосида Чехия университетига ўқишга кирган талабанинг ўқиши юзасидан тузилган шартнома бўйича корхона томонидан тўланаётган маблағлар жисмоний шахснинг жами даромади таркибига киритилиши ва солиққа тортилиши керак.

## СОЛИҚ ТУРИНИ ТАНЛАШ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

**?** ***Енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича корхона таъсис этмоқчиман. Газетангиз саҳифаларида ягона солиқ тўлови тизимининг имтиёзли ва жуда қулайлиги тўғрисида кўп ўқиганман. Мен очмоқчи бўлган корхона ҳам ягона солиқ тўлови тўлаши мумкинми? Бунинг учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириш лозим?***

**М. Азизбеков.**
**Андижон вилояти.**

– Солиқ кодексининг 8-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланган айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун солиқ солишнинг қуйидагиларни тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин:

1) ягона солиқ тўловини;
2) ягона ер солиғини;
3) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлашга ҳақлидирлар (айрим тоифадаги солиқ тўловчилар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3620-сон Фармонининг 1-банди билан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, республика Йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига **ягона солиқ тўлови** жорий этилган.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига кўра **ягона солиқ тўлови тўловчилари бўлиб микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисобланиши белгиланган**. Бундан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўлашни назарда тутадиган фаолият доирасидагилар, маҳсулот тақсимотига оид битимлар қатнашчилари, берилган лицензияга мувофиқ гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчилар мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 439-сон қарорининг 1-банди билан ана шундай субъектлар классификацияси тасдиқланган. Ушбу классификацияга асосан тармоқ кодлари 14932 «Енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник қарови» ва 14933 «Аҳоли буюртмасига кўра енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда техник қаровини ўтказиш» бўлган корхоналар ходимлари сони 20 кишигача бўлган тақдирда микрофирма, 50 кишигачани ташкил этса, кичик корхона тоифасига киритилади. Демак, сиз ўзингиз таъсис этаётган корхонанинг ходимлари сонидан келиб чиқиб, ягона солиқ тўловига ўтиш ёки ўтмасликни ҳал этсангиз бўлади.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ягона солиқ тўловига ўтиш учун ўзингиз рўйхатдан ўтган солиқ инспециясига мурожаат этиб, белгиланган шаклдаги аризани тўлдиришингиз ва тақдим этишингиз лозим. Бу тартиб юқорида келтирилган Низомнинг 10-банди билан белгиланган. Унга кўра ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар келгуси чорак бошлангунга қадар камида бир ой олдин, янги ташкил этилганлар эса, улар рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма шаклда мурожаат қилишлари лозим.

*Маслаҳатларни эксперт,*
*Солиқ маслаҳатчилари палатаси аъзоси*
*Муҳиддин **ЗАЙНУДДИНОВ** тайёрлади.*

## ЧЕГИРИЛМАЙДИ

**?** ***Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомга ўзгартишлар киритилди. Чунончи, ягона ижтимоий тўлов нафақалар, компенсациялар ва пенсияларни чегиришларсиз тўлиқ ҳажмда тўланиши кўрсатилган 11-банддан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси чиқариб ташланди.***

***Бу ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоблаб ёзилган суммасидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тўлаш харажатларини чегириш мумкинлигини англатадими?***

**МЧЖ бухгалтери.**

– Йўқ, чунки Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низом *(МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 11-бандининг иккинчи қисмига кўра ягона ижтимоий тўлов юридик шахслар томонидан бирор-бир чегиришларсиз ҳисоблаб ёзилган суммани̇нг **тўлиқ ҳажмида** ўтказилади.

Саволда кўрсатилган ўзгартишларни эса мазкур Низомни Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» қарорига *(2006 йил 18 декабрь, ПҚ-532-сон)* мувофиқлаштириш тақозо қилган. Мазкур қарорнинг 4-бандига кўра 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб вақтинчалик ишга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар:

бюджет ташкилотлари томонидан – меҳнат ҳақи фондига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Норма маслаҳатчи» газетасининг эксперти.***

## ҲАР БИР ТУРГА – ЎЗ СТАВКАСИ

**?** ***Бизнинг ташкилотимиз – республика Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги «АКАТМ» ахборот-жорий этиш маркази нақд пулсиз ҳисоб-китобга архитектура ва қурилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда сотади. Шунингдек биз меъёрий ҳужжатлар нақд пулга сотиладиган киоскага ҳам эгамиз. Касса аппарати мавжуд. Биз умумий даромаддан 10%лик ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлаймиз. Киоскада ўзимиз тайёрлайдиган меъёрий ҳужжатлардан ташқари ёзув-чизув қуролларини сотишни ҳам режалаштиряпмиз. Ёзув-чизув қуролларини сотишдан олинадиган даромад асосий фаолият бўйича умумий даромаддан ошмайди.***

***Ёзув-чизув қуролларини сотиш учун ҳокимликнинг рухсатномаси керакми?***

***Ёзув-чизув қуролларини сотиш чоғида қандай солиқни тўлашимиз лозим?***

**М.Ҳакимова,**
**«АКАТМ» АЖМ бош бухгалтери.**

– Ёзув-чизув қуроллари чакана савдосини амалга ошириш учун ҳокимликнинг рухсатномаси талаб қилинмайди. Рухсат гувоҳномаси алкоголли маҳсулотлар чакана савдосини амалга ошириш учун талаб қилинади *(қаралсин: Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низом, Президентнинг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарорига 1-илова).*

Ёзув-чизув қуроллари савдосида алоҳида ҳисоб юритиш ва Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарорига 24-иловада белгиланган ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўлаш керак. Мазкур иловада савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари келтирилади. Корхонангиз Тошкент шаҳрида жойлашганлигини ҳисобга олиб, сиз аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп бўлган шаҳарлардаги савдо корхоналари учун белгиланган **5 фоизлик** ставкани қўллашингиз керак.

## ХУСУСИЙ КОРХОНА ЎЗ НОМИДАН ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ

**?** ***«KORVET PLUS» МЧЖ болалар озиқ-овқатлари ва шоколад маҳсулотлари улгуржи савдоси (ХХТУТ коди – 71150) билан шуғулланади. Товар асосан хусусий тадбиркорларга берилади.***

***Хусусий тадбиркорлар товарни олаётганда ишончнома ёзишлари керакми?***

**МЧЖ бухгалтери.**

– Якка тартибдаги тадбиркорлар (хусусий тадбиркорлар) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширадилар *(2000 йил 25 майдаги 69-II-сон «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси).* Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, хусусий тадбиркорлар товарни ўзлари олишлари керак ва бу ҳолда улар ишончномасиз ҳаракат қиладилар.

Тушунтириш электрон эксперт тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-95
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

## ҚҚС ФАҚАТ САВДО УЧУН

**?** ***Ишлаб чиқариш корхонаси (ХХТУТ 51121) шаҳар йўловчи транспорти хизматларини кўрсатади, у умумбелгиланган солиқлар тўловчиси бўлиб, 2007 йил апрелида савдо операциясини амалга оширди.***

***Ойдинлаштириб берсангиз: йўловчи транспорти хизматлари учун ҚҚС бўйича имтиёзга эгамиз, савдо бўйича ҚҚС тўлашимиз керакми?***

**Б.Абдураҳмонов,**
**автокорхона раҳбари.**
**Қўқон шаҳри.**

– Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2003 йил 29 апрела 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 4-бандига кўра ҚҚС солиш объекти бўлиб товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши бўйича айланмалар ҳисобланади, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганлари бундан мустасно.

Солиқ кодекси 71-моддасининг 15-банди шаҳар йўловчи транспорти хизматларини кўрсатадиган, бундан такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно, автомобиль хўжалиги корхоналарини юқорида айтилган хизматлар реализацияси қисмида қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилади. Яъни кўрсатилган имтиёзни фақат шаҳар йўловчи транспортининг йўловчиларни ташиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомалари бўйича ишчи ва хизматчиларни ишга олиб бориш ҳамда ишдан олиб келиш, турли тадбирларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматларига, шунингдек умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчиларни ташиш бўйича хизматларга нисбатан қўлланилади. Бироқ у сиз амалга ошираддиган савдо операцияларига **татбиқ этилмайди.**

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 18-бандига кўра умумбелгиланган солиқлар (даромад (фойда) солиғи, ҚҚС ва бошқалар) тўловчи, асосий фаолият билан бир қаторда улар учун асосий фаолият тури ҳисобланмаган савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар савдо бўйича алоҳида ҳисоб юритмайди. Бу ҳолда савдо фаолиятидан олинган даромадларга умумбелгиланган тартибда солиқ солиниши керак.

Бинобарин, товарлар сотилиши бўйича айланмалардан сиз қўшилган қиймат солиғини тўлашингиз лозим.

Тушунтириш электрон эксперт тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 144-89-25, 135-11-07
Гулистон ш.: (3672) 27-68-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80

Бизнес **Панорама**
РЕКЛАМА & АХБОРОТ
«Норма маслаҳатчи» 48 (125)-сон
2007 йил 30 ноябрь



Тўлов исталган шаклда
• Товар сертификатланган •
**"GAMILON" МЧЖ таклиф этади**
# кАНЦТОВАРЛАР
Шартномавий нархлар
Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6 А
Тел.: 144-66-81, 144-85-23
pr_624

**"ART-FLEX" МЧЖ** **ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**
Тўлов исталган шаклда
- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Товарлар сертификатланган
Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597
PR_249_07

Poligraf Media — СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

pr_625
**"AL-VORIS" МЧЖ**
Тўлов исталган шаклда
КАНЦТОВАРЛАР ⊃ мактаб ва офис анжомлари
САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ⊃ ташкилий техникага
ҲАР ҚАНДАЙ ⊃ бухгалтерия бланкалари ва буюртмага
ЭЛЕКТР-ХЎЖАЛИК, МАИШИЙ ТОВАРЛАР ⊃ кенг ассортиментда
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Навоий кўч., қуйи савдо расталари
Тел.: 144-53-15, 144-54-12, тел./факс 144-53-18

ARHAT graphics
Дизайндан тайёр клишегача тайёрлаш бизнинг ишимиз!
Паст нархлар, юқори сифат!
- Флексограф босма учун полимер қолиплар (босма клише) тайёрлаш
- Фотопленкаларни чиқариш
- Дизайн ишлаб чиқиш
- Флексограф босма учун файлга босмагача ишлов бериш

хизматлар лицензияланган
E-mail: cmyk@arhat-group.com
www.arhat-group.com
Тел./факс: (99871) 144 07 04, 144 84 83, 142 70 50, 142 79 13.
pr_7-43-01

Товар сертификатланган
**"Sanar Motors" МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери**
pr_7-42-04


KIA MOTORS
The Power to Surprise
Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, "Буюк Ипак йўли" метро бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.
www.kiamotors.com

Товар сертификатланган
**РАСМИЙ ДИЛЕР**
**"УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ" ОАЖ**
**"VOSTOK RUS AVTO" МЧЖ ХИИК**
UAZ
Тошкентдаги омбордан УАЗ русумидаги барча автомобиллар ва ишлаб чиқарувчидан эҳтиёт қисмларни сотади


Тел./факс: 149-33-69, 149-04-29. Манзил: Тошкент ш., Беруний кўч., 83. E-mail: vostokrusavto@bk.ru





## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

**2007 йил 18 декабрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2007 йил 22 августдаги 10595/15-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Обид Зокиров кўчаси, 85-уй манзилидаги «Туронмарказқурилиш» АЖнинг базасида сақланаётган ва «Туронмарказқурилиш» АЖга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қайтадан қўйилади.**

1967 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АŃ471 бўлган «ЗИЛ ММЗ-555» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 6 987 724 сўм 17 тийин.

1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АХ432 бўлган «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 355 935 сўм 80 тийин.

1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АN470 бўлган «КАЗ-608» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 148 541 сўм 12 тийин.

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АР781 бўлган «АВИО-А314306» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 270 934 сўм.

2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВВ284 бўлган «КАМАЗ-53215 КС35714К» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 106 195 949 сўм 62 тийин.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч., 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.





**www.pc.uz** - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

KINEK Хизматлар лицензияланган
МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
PR_563
БИЗНЕС-РЕЖА ВА ТИАларни ИШЛАБ ЧИҚИШ
Тел. 132-00-24, 175-74-62
E-mail: info@kinek.uz, web: kinek.uz

PR_602
МОЛ-МУЛКНИ МУСТАҚИЛ БАҲОЛАШ
RM MIR
Хизматлар лицензияланган
RelMon - MIR
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ
Тел.: (371) 133-97-66, 185-11-36, 188-98-11
relmon-mir@mail.ru www.relmon.uz

Хизматлар лицензияланган
«ELIF HISOB» МЧЖ
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ
• БАРЧА ТУРДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ
• ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
• КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ГАРОВ ТАЪМИНОТИ БИЛАН МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
• ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ УЧУН БАҲОЛАШ
Жойига чиқиш билан
Хизматлар нархи - ҳаммабоп
☎ 444-59-60, 181-06-55, 279-08-04
005_002

Хизматлар лицензияланган ва суғурталанган
"GLOBAL-AUDIT" АФ
БАРЧА ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
БЕПУЛ МАСЛАҲАТЛАР
СОАТ 11.00дан 13.00гача
Манзил: Муқимий кўч., 190,
Телефонлар: 278-56-12, 173-64-39, 188-29-34
E-mail: global-audit@mail.ru
Самарқанддаги филиал
тел.: 33-69-66, 31-07-66.

pr_7-47-02
"Янгийўл Ёғ-Мой" ХИИ ОАЖ
2007 йилда берилган лицензияларга эга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида аудиторлик ташкилотига қўйиладиган талаблар ва шартларга жавоб берадиган
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИ
аудиторлик текширувини ўтказиш танловида қатнашишга таклиф этади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл ш., Самарқанд кўч., 352
Алоқа боғлаш телефонлари: бош бухгалтер 8-370-60-261-54, 8-370-60-261-35

Хизматлар лицензияланган
"Konservis" мустақил баҳолаш компанияси
малакали баҳолаш хизматлари кўрсатади:
• асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш
• устав фондига киритиш учун
• гаров билан таъминлаш учун
• инвестиция лойиҳалари учун
• корхоналарни тугатиш чоғида
• корхоналар бизнесини баҳолаш
• ускуналар, автотранспорт, бинолар, иншоотлар ва тугалланмаган қурилишни баҳолаш
ХИЗМАТЛАР НАРХИ ҲАММАБОП
Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55 (ЎзР Давлат мулки қўмитаси биноси)
Тел./факс: 139-22-13, 139-44-71, 342-10-02. E-mail:konservis@rambler.ru

Хизматлар лицензияланган
Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази
ЎзР Молия вазирлиги тасдиқлаган дастурлар бўйича курслар
АУДИТОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ - 200 соат.
АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ - 60 соат.
Халқаро сертификатлаштириш (САР) дастури доирасидаги курслар
МОЛИЯ ҲИСОБИ 1 - 100 000 сўм
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1 - 100 000 сўм
СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ - 100 000 сўм
АУДИТ - 100 000 сўм
"БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курслари - 40 соат. - 60 000 сўм
ЎУМнинг барча ўқитувчилари САР ҳамда ЎзР МВ сертификатлари соҳибидирлар
PR_091_07
Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
132-09-36, 133-86-41

Хизматлар лицензияланган
25.02.2003 й.даги 12/681144365-001-сон суғурта полиси
«LEKSAN INFO»
АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ
• аудиторлик хизматлари
• бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш
• маслаҳатлар
• бизнес-режа тузиш
• Буюртмачи шартларига мослаб
Халқаро сертификатларга эга аудиторлар ҳамкорлик қилишга таклиф этилади
Тел.: (3712) 167-94-31, 167-94-32, 173-24-50

"HOLIS KONSALT"
консалтинг компанияси
баҳолаш хизматларини таклиф этади
*асосий фондларни ҲАР ЙИЛГИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ
*баҳолаш:
*кўчмас мулк, бино ва иншоотлар, тугалланмаган қурилишни
*машиналар, ускуналар, автотранспорт ва қишлоқ хўжалиги техникасини
*банкнинг гаров таъминотини
*бизнесни
*Устав фондига ҳисса сифатида муайян объектларни бериш ва расмийлаштириш
Хизматлар лицензияланган
ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ!
Тошкент ш., Носиров кўч., 4-тор кўча, 16 (мўлжал: "Radisson Sas" меҳмонхонаси орқасида)
Тел.\факс 137-46-94. Тел.: 135-52-79, 341-33-10
E-mail: konsalt2004@list.ru, holiskonsalt@inbox.uz
pr_322_07

5000 ЭКИҲ миқдорида устав фондини шакллантирган ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган
"AUDIT-RUMANS" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
сертификатланган аудиторларни ишга таклиф этади.
Яшаш жойи аҳамиятга эга эмас.
САР сертификатига эга аудиторларга имтиёзлар берилади.
Тел. 403-37-59, факс 162-53-41
E-mail: rumans@list.ru
pr_7-41-01

## • РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 20 июлдаги 11-0706/5962-сонли, 11-0706/5963-сонли ҳал қилув қарорларига асосан Зангиота туманидаги "TRAPEZA" ХФ (СТИР 205034375) ва "AL-MAK"МЧЖ (СТИР 202647184) банкрот деб эътироф этилиб, Зангиота тумани Ҳокимининг 2007 йил 31 октябрдаги 1508, 1506-сонли қарорларига асосан Давлат рўйхатидан чиқарилган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Мурожаат учун манзил: Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси. Тел.: 170-06-71, 170-70-31.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 31 октябрдаги 10-0718/11040-сонли қарорига асосан Яккасарой туманидаги "General King Trade" МЧЖ (юридик манзили: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй) банкрот деб эълон қилинган. Мазкур корхона бўйича ишончли вакил этиб У.Эргашев тайинланган. Корхонанинг муҳр ва штамплари бекор қилинади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб 1 ой давомида тугатиш комиссияси томонидан қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 250-70-87. Тугатиш комиссияси манзили: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6а-уй, туман ДСИ биноси, 3-қават, 313-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 9 ноябрдаги 0710F13005-сонли қарорига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "MARXABO-BIZNES" МЧЖга нисбатан соддалаштирилган тартибда банкротлик иши қўзғатилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб У.Гойибов тайинланди. Ушбу корхонага нисбатан кредиторларнинг талаб, таклиф ва эътирозлари Тошкент ш., Рахматуллина кўчаси, 314-уй, Мирзо Улугбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 162-17-82.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 5 октябрдаги 10-0712/11999-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "KAFOLAT SOTISH" ШХК ҳамда 2007 йил 16 ноябрдаги 10-0713/13928-сонли ҳал қилув қарорига асосан "REAL STEP" МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходимлари К.Исмаилов ва Я.Раҳимов тайинланди. Корхоналарнинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 700011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 23 ноябрдаги 10-0710/13527-сонли қарорига асосан Мирзо Улугбек туманидаги "ATFM Trading Kompany" МЧЖга нисбатан соддалаштирилган тартибда банкротлик иши қўзғатилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб У.Гойибов тайинланган. Корхонанинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Кредиторларнинг ушбу корхонага нисбатан талаб, таклиф ва эътирозлари эълон босилган кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Рахматуллин кўчаси, 314-уй, Мирзо Улугбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

«KITOB AUDIT» МЧЖ шаклидаги аудиторлик фирмаси
Барча турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.
☎ 8(375) 54-27041
Тошкент ш.: 775-45-50, 276-97-01, 100-06-11
Манзил: 180000, Қашқадарё вил., Китоб тумани, Генерал Жўрабек кўчаси, 2-уй
Хизматлар лицензияланган

«JUS-LEGIS»
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
қуйидагиларда адвокатлик ёрдамини таклиф этади:
• мулкчиликнинг барча шаклидаги, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш
• хорижий корхоналар ваколатхоналарини аккредитациялаш
• фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича судларда манфаатларингизни ҳимоя қилиш
• мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш
• шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш
• ҳуқуқий экспертиза, визалаш ва хулосалар бериш
Тел.: 267-96-72, 68-87-85, 267-37-51, 108-48-54, 168-02-16, 108-63-14, 103-50-15
Манзил: Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўч., 42
Хизматлар лицензияланган

ЎзР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АРХИВИ
ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:
• Сақлаш учун корхоналар ҳужжатларини қабул қилиш
• Ҳужжатларга илмий-техник ишлов бериш (йўқ қилиш)
• Бухгалтерия ҳужжатларини муқовалаш
Бизнинг манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 6-уй
Тел.: 132-25-40, 133-26-90 arhivtpp@rambler.ru
(мўлжал: Амир Темур хиёбони, шаҳар статбошқарма биноси орқасида, ЎзР Савдо-саноат палатасининг 2 қаватли биноси, "UNITEL" биноси рўпарасида)

"ҲИМОЯ"
АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ
СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ
ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ
СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ
Хизматлар лицензияланган
НАТИЖАЛАРГА КЎРА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ
Тошкент: (371) 133-11-13, 188-43-13, 175-63-72
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72
pr44_030

АКЦИЯ! «БЕРАТОР-ГРОССБУХ»
15.11.дан 15.12.07 й.гача тўлов тўланганда
харид кунидан бошлаб 12 ой бепул янгилаш!
нархи 117 минг сўм,
бу эса бозордаги шундай таклифлардан 80 минг сўмга арзон.
"Бератор" бухгалтерлар учун янги маълумотнома тизими.
Бухгалтерияни юритишнинг 2 хил усули бор - қонунларни мустақил ўрганиш ёки аудиторлар тавсияларини оддийгина бажариш.
"Академпресса" ва "БТЛ", т.142-05-42, 142-14-10.
pr_7-41-021

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 5 октябрдаги 10-0718/13267-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги "PULAT SPARK" МЧЖ ҳамда 2007 йил 19 ноябрдаги 10-0711/12390-сонли ҳал қилув қарорига асосан "SHAHNAF" МЧЖ банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Тугатув бошқарувчиси этиб Т.Хайрутдинов тайинланди. Ушбу корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини Тошкент ш., Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 51а-уй манзилига билдиришлари мумкин. Тел. 276-98-15.

Яккасарой Давлат солиқ инспекцияси томонидан «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш шуъбаси» собиқ вақтинча давлат солиқ инспектори Степанян Эдуард Григориевичга берилган 19977-сонли махсус хизмат гувоҳномаси йўқотилганлиги тўғрисидаги Миробод туман ИИБнинг 2007 йил 10 ноябрдаги Shu-27/39-10535-сонли хатига асосан мазкур гувоҳнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

NORMA®
ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ НАШРИЁТ

НАШРИЁТИДА СОТУВДА МАВЖУД:



ПРАКТИЧЕСКАЯ БУХГАЛТЕРИЯ
Муаллифлар: Э.Гадоев, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай ва б.
*Янгиланувчи қўлланма.*
*99 000 сўм.*



АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Муаллифлар: Э.Гадоев, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай ва б.
*Янгиланувчи қўлланма.*
*99 000 сўм.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ КОДЕКСИ
*(рус ва ўзбек тилларида)* *7 000 сўм.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ
*(рус ва ўзбек тилларида)* *8 000 сўм.*



“САВДОДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ”
Муаллиф К.Ўрозов
*Китобда савдо фаолиятининг моҳияти очиб берилади, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товар операциялари, даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби келтирилади (ўзбек тилида).*
*3 600 сўм.*



“СПРАВОЧНИК ПО ВНЕШНЕМУ И ВНУТРЕННЕМУ АУДИТУ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН”
Муаллифлар: Д.Шаулов, У.Кан
*Китобда замонавий аудит ва бухгалтерияга оид хўжалик операцияларининг назария ва амалиётда қабул қилинган асосий қоидалари кўриб чиқилади.*
*10 000 сўм.*



“УЧЕТ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ”
Муаллифлар: Э.Гадоев, Н.Ҳасанов, Л.Югай
*Китобда асосий воситалар ва номоддий активлар билан операцияларни баҳолаш, ҳаракатини ҳисобга олиш ва солиқ солишга доир асосий қоидалар келтирилган.*
*3 200 сўм.*



“КОММЕНТАРИЙ К ПОЛОЖЕНИЮ О ПОРЯДКЕ ИСЧИСЛЕНИЯ И УПЛАТЫ ЕДИНОГО НАЛОГОВОГО ПЛАТЕЖА”
Муаллифлар: И.Голишева, М.Қодиров, Д.Султонов, И.Подольская, Л.Югай
*5 000 сўм.*



“ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЕ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ”
(Земельный кодекс, земельный кадастр)
А.Латипов таҳририда
*(рус ва ўзбек тилларида)*
*Китобда ерлардан фойдаланиш ва ер солиғини тўлашга доир меъёрий ҳужжатлар келтирилган.*
*4 000 сўм.*



“СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН” (НСБУ)
(II-III жилдлар)
Масъул муҳаррир Х.Ортиқов
*Тўпламнинг II ва III жилдларига Ўзбекистон Республикасидаги барча амалдаги БХМСлар киритилган.*
*1 жилди учун 4 000 сўм.*



“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР НИЗОМЛАР”
*Тўпламга Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи асосий низомлар киритилган (ўзбек тилида).*
*5 000 сўм.*



“УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ”
Муаллиф Ф.Ғуломова
*Китобда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришга доир батафсил тавсиялар берилган.*
*3 200 сўм.*



“ЗАРАБОТНАЯ ПЛАТА НА ПРЕДПРИЯТИИ”
Муаллифлар: Н.Ҳасанов, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай
*(рус ва ўзбек тилларида)*
*Китобда 21-сон БҲМСга мувофиқ корхоналарда меҳнатга ҳақ тўланишини ҳисобга олишга доир масалалар кўриб чиқилган. Турли солиқ оқибатларига эга мисоллар келтирилган.*
*3 600 сўм.*



“ЛИЗИНГ: ТАН ОЛИШ, БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ҲИСОБИ”
Муаллифлар: Ш.Ҳайдаров ва бошқ.
*Ушбу китобда узоқ муддатли ижара тури сифатида лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг услубий асослари келтирилади (ўзбек тилида).*
*5 000 сўм.*

Буюртманомаларни **Тошкент ш., Навоий кўч., 22-уйда** расмийлаштириш мумкин.
Сотиб олиш масалалари бўйича **144-44-29, 132-18-80, 144-89-17** тел./факси орқали мурожаат қилинг.

МАЗКУР КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ДЎКОНЛАРИДАН ҲАМ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

“YURIDIK ADABIYOTLAR”
манзиллар: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35 (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел. 136-73-98;
**Тошкент ш., Бобур кўч., 40а,** тел. 363-55-47

“SHARQ ZIYOKORI”
манзил: **Тошкент ш., Бухоро кўч., 26** (мўлжал – Навоий номидаги ДАКТ), тел. 133-58-72

Шу жумладан қуйидаги манзиллардаги минтақавий филиалларда:
**Андижон ш.,** Алишер Навоий шоҳкўчаси, 71, тел. (374-2) 55-05-02 **Бухоро ш.,** Иқбол кўч., 11, тел. (365-2) 23-75-96 **Самарқанд ш.,** Университет бульвари, 12, тел. (366-2) 33-23-68
**Жиззах ш.,** Ш.Рашидов кўч. (мўлжал Оқбозор биноси), тел. (372-2) 26-42-93 **Навоий ш.,** Ўзбекистон кўч., 11, тел. (436-2) 23-01-30 **Қарши ш.,** 7-мавзе, 9, тел. (375-2) 27-77-00.
**РАММ нинг Навоий бўлими: Навоий ш.,** Павлов кўч., 6, тел. (436-2) 23-25-33.
**Сотувчилар ва китоб дўконлари эгаларини ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.**

# ҲАҚИҚИЙ НАРХНИ КЎРСАТИНГ,

## ЁКИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ТУЗИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛК ЮЗАСИДАН ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

Конституциямизнинг 53-моддасида «Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. ... Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», – дея мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ўз навбатида мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий шакли бўлмиш олди-сотди шартномасидан фойдаланиш заруратини ҳам вужудга келтиради.

Нотариал идоралар фаолиятида кўчмас мулк объектлари – квартиралар, уй-жойлар ва шу кабилар юзасидан фуқароларимиз ўртасида тузилган олди-сотди шартномаларини тасдиқлаш энг кўп учрайдиган жараёнлардан ҳисобланади. Бунда нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ундирилади.

Давлат божи миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги 533-сон қарори билан тасдиқланган иловага мувофиқ белгиланади. Ушбу қарорга мувофиқ кўп йиллар давомида фуқароларимиз ўртасида тузилган кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси бўйича нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорида, бироқ битишув тузилаётган пайтда тегишли равишда техник хатлов кадастр бюроси ёки кўчмас мулк давлат кадастри хизматлари томонидан белгиланган хатлов баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида белгиланар эди.

Ўз навбатида, давлат божини кўп миқдорда тўлашни истамаган фуқаролар кўчмас мулкни сотишда унинг ҳақиқий қийматини яшириб, нотариал тасдиқлаш талаб этиладиган олди-сотди шартномаларида олди-сотди бўлаётган кўчмас мулк қийматини сунъий равишда камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар.

Чунончи, сотилаётган мулк баҳоси қоида тариқасида тарафларнинг келишувига асосан белгиланади. Аммо, тарафлар ўртасида низо келиб чуққудек бўлса, бунинг оқибатида сотувчи томонидан белгиланган ва сотиб олувчи томонидан розилик билдирилган баҳо юзасидан мунозарали ҳолат пайдо бўларди, чунки иш судгача етиб борган тақдирда низо олди-сотди шартномасининг нотариал тасдиқланган баҳоси бўйича ҳал этиларди.

Бундай ҳолатларни бартараф этишда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июнда қабул қилинган «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 109-сон қарори айни муддао бўлди. Ушбу қарор билан республика ҳукуматининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорига ўзгартиришлар киритилиб, давлат божи ставкалари ўзгартирилди.

Хусусан кўчмас мулк объектлари мулкдорнинг қариндошларига, яъни унинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болаларига, набираларига, бувиларига, буваларига, туғишган ака-укалари ва опа-сингилларига берилганида ва ҳадя қилинганида 1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида деб белгиланди.

Ушбу объектлар бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тасдиқланганида 1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида бўлади.

Эндиликда кўчмас мулкни нотариал тасдиқлаш учун тўланадиган давлат божи унинг қийматига боғлиқ бўлмай қолди. Шу туфайли эндиликда кўчмас мулк олди-сотди шартномаларида ҳақиқий қийматни рўй-рост кўрсатавериш мумкин.

Шартноманинг асосий моҳияти тарафларнинг келишув баҳосидир. Тарафлар томонидан квартиранинг ҳақиқий баҳоси яширилганда вужудга келадиган оқибатлар учун нотариус жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

***Мавлуда МАНСУРОВА,***
***Тошкент шаҳар 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси.***

**• РЎЙХАТЛАР**

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажримларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб топиш бўйича иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами | Санаси |
|---|---|---|
| “Limar Kapital” МЧЖ | 10-0711/14679 | 19.11.07 |
| “Vali Baxodir” МЧЖ | 10-0711/14680 | 19.11.07 |
| “Limaks Qurilish” МЧЖ | 10-0711/14676 | 23.11.07 |
| “Aurum Optima” ХК | 10-0711/14677 | 23.11.07 |
| “Oqtepa Nur Obod” МЧЖ | 10-0711/14678 | 23.11.07 |

Мазкур корхоналар бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 7 декабрь соат 10.00 да Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Муваққат бошқарувчи этиб Т.Хайрутдинов тайинланган. Корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 2 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид иш очилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами | Тугатиш бошқарувчиси |
|---|---|---|
| “OSIYO-INTEL” МЧЖ | 10-0716/8034 | У.Гойибов |
| “ABDULAZIZ BIZNES SAVDO” МЧЖ | 10-0716/8036 | Р.Шерова |

Мазкур корхоналарнинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Кредиторларнинг ушбу корхоналарга нисбатан талаб, таклиф ва эътирозлари эълон босилган кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Рахматуллин кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Чилонзор туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| “VISHSTROY - LIDER” МЧЖ | 10-0716/13511 |
| “SURXON MARMAR” МЧЖ | 10-0716/13506 |
| “TEKSTIL MAKS PLYUS” МЧЖ | 10-0716/13510 |
| “SHAM-FAR-INVEST” МЧЖ | 10-0716/13507 |
| “JAVOHIR KO’ZLAR” ХФ | 10-0716/13509 |
| “DIKIY-KAYOT” МЧЖ | 10-0716/13508 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Т.Хайрутдинов тайинланган. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини Тошкент ш., Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 51а-уй манзилига билдиришлари мумкин. Тел. 276-98-15.

**1С: ПРЕДПРИЯТИЕ**

infotech plus
1С ФИРМАСИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
ЭНДИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲАМ!

Бюджет ва хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг бухгалтерия, иш ҳақи ва омбор ҳисобини тўла автоматлаштириш.

ЎРНАТИШ*КУЗАТИШ*ЎҚИТИШ

Наманган шаҳар, У.Носир кўчаси, 7-уй.
www.1c.ifoda.com Тел.: (+998 69) 226-15-63, 270-13-13



pr_5240 1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8 АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРУВ ВА ҲИСОБ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

1С:ФРАНЧАЙЗИНГ www.v8.1c.ru

7.7 ва 8.0 лицензион версиялари локал ва тармоқ ечимлари

TELEPORT

Хўжалик ҳисобидаги ва бюджет корхоналарининг ҳисобга олиш ва бошқарув функцияларини автоматлаштириш

Компаниянинг шиори ва мақсади: "Буюртмачининг умидларини оқлаш"

тезкор малакали сифатли етказиб бериш татбиқ этиш ўқитиш кузатув

ишлаб чиқариш бухгалтерия савдо иш ҳақи молия ҳисоботлар кадрлар омбор ва б.

Тошкентдаги тел.: 137-49-20, 137-49-21, 137-10-63, teleport@1C.uz, "Ҳ.Олимжон" м.б., "Ранглиметаллойиҳа" биноси, 414-хона
Самарқанддаги "ДАСТУР-САМ" ШК (3662) 34-14-76, dastursam@mail.ru;
Қўқондаги "ORIENT INTEX" ШК: (37355) 2-33-69, 3-14-72, (590) 556-24-94, orient_intex@mail.ru, батафсил маълумотлар www.1C.uz сайтида

Бозорда 14 йил АМАЛИЙ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ



**1С: Франчайзинг**

ТЕХНЕТ ШЧК қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- Дастурий маҳсулотларни сотиш
- Етказиб бериш
- Ўрнатиш
- Созлаш
- Жорий этиш
- Ўқитиш

Қуйидагиларни комплекс конфигурациялаш:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Ишлаб чиқариш
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Солиқларнинг автоматик ҳисоб-китоби
- Ташқи ва ички ҳисоботлар

100000, Тошкент ш., Пушкин кўч., 22 www.texnet.uz
132 14 41, 776 86 30, 344 55 90



ҚУЙИДАГИЛАР УЧУН ЎЗ БАЗАСИДА ТАЙЁР НАМУНАВИЙ ЕЧИМЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН "1С" ФИРМАСИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРИ

KOLIZEY

1С:Франчайзи "Kolizey Konsulting" МЧЖ
Тел.: 150-41-47, 150-41-48
E-mail: info.kolizey@gmail.com

- Улгуржи-чакана савдо компаниялари
- Ишлаб чиқариш корхоналари
- Ресторанлар, барлар ва қаҳвахоналар
- Хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар
- Бюджет ташкилотлари

Шунингдек уларни жорий этиш бўйича хизматларнинг бутун доираси.

БИЗ ЕТКАЗИБ БЕРАДИГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ҚУЙИДАГИЛАР БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ДОИРАСИНИ ҲАЛ ЭТАДИ:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Бошқарув ҳисоби
- Солиқ ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ



pr_228_07

BEKASPLUS.BIZ

1С:ФРАНЧАЙЗИНГ "BEKAS PLUS" МЧЖ

Сиз ҳали ҳам XX асрдамисиз?
XXI асрга хуш келибсиз!
Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва бизнес жараёнларини автоматлаштиришнинг янги босқичи
1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8.1
(рус ва ўзбек тилларида)
460 000 сўмдан бошлаб мақбул нархлар

1С:Франчайзинг "BEKAS PLUS" МЧЖ
Манзил: Фетисов кўч., 1/1
E-mail:bekasplus@mail.ru
Тел.: 291-60-63, 168-58-99



Alfakom ўқув маркази

БЕПУЛ!

1 МУВАФФАҚИЯТ САРИ ҚАДАМЛАР ЗАМОНАВИЙ БУХГАЛТЕР
Бухгалтерияга доир билимлар
Компьютерни базавий билиш
Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш

2 ДАСТУРЛАШ ВА 1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 7.7 га КОНФИГУРАЦИЯЛАШ
1С ни ўз вазифаларингизга ўзингиз созланг!

3 ДАСТУРЛАШ ВА 1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8.0 га КОНФИГУРАЦИЯЛАШ
ЯНГИЛИК! 1С нинг янги имкониятларидан фойдаланинг

4 Интернет глобал тармоғида ишлаш
Интернет бухгалтерга ёрдамга келади



БЕПУЛ! Buh. uz сайтида бухгалтерлар учун энг янги ахборот

Манзилимиз: Тошкент ш., Афросиёб кўч., 2. Бараката-марказ, 2-қават
Мўлжал: Космонавтлар м.б., "Марварид" дўкони
Телефонлар: 152-25-75, 152-21-65.
* Фақат "Замонавий бухгалтер" курси тингловчилари учун



1С:ПРЕДПРИЯТИЕ

Базавий версиялар
Стандарт ва малака версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар

- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1С фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш

- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва ҳисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар

1С:ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»
Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш
173-95-95, 173-30-18, 186-30-18, 173-97-12, 278-97-41
Манзил: Тошкент ш., Катортол кўч., 60, 705-хона



1С: Предприятие дастурлар тизими

Корхоналарни автоматлаштириш

1С МОС КЕЛАДИ!

Сифат сертификати

- Янги Ҳисобварақлар режаси
- Бухгалтерия ҳисоби
- Омбор ҳисоби
- Иш ҳақи ҳисоб-китоби
- GAAPга созлаш

Халқлар дўстлиги кўч., 42-уй, 206-хона. Тел. 173-24-37, 127-37-79 E-mail: plussoft@uzpak.uz

1С:Франчайзинг "PLUS SOFT" plus soft


**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги умумий соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилиб, тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "Toshsanoatqurilish-montaj-Servis" МЧЖ | 10-0705/13588 |
| "Intrans-Tredi" МЧЖ | 10-0705/13590 |
| "Usto-Zamin" SHK | 10-0705/13589 |
| "Story-Master" МЧЖ | 10-0705/13587 |
| "Santehgazmantaj" МЧЖ | 10-0705/13586 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходимлари Б.Хайтбоев ва С.Саидахмедов тайинланган. Ушбу корхоналарнинг думалоқ муҳр ва уч бурчакли штамплари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 2 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, туман ДСИ биноси, 111-хонага билдиришлари мумкин.

## • РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 ноябрдаги 11-0706/12494-сонли ажримига асосан Чирчиқ шаҳар, Оккповок посёлкаси, Тинч тор кўчаси, 24-уй манзили бўйича фаолият юритаётган хусусий тадбиркор "Миркурбонов Муслим"га (СТИР 435130164) нисбатан банкротлик жараёни қабул қилиниб, кузатув жараёни жорий этилди. Мувақкат бошқарувчи этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими Р.Турсунбоев (индекс 111700, тел. 6-26-70) тайинланди. Ушбу тадбиркорлик субъекти бўйича банкротлик иши юзасидан суд жараёни 2007 йил 10 декабрда Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида (юридик манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., Темирйўлчилар кўчаси, 128а-уй; тел. 6-26-70) соат 15.00 гача ўтказилади. Кредиторлар 1-йиғилиши 2007 йил 3 декабрда Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида соат 10.00 дан 15.00 гача ўтказилади. Кун тартиби: Ушбу тадбиркорни хўжалик судига банкрот деб эътироф этиш ва тугатиш жараёнини жорий этиш бўйича мурожаат этиш. Кредиторлар йиғилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан мувақкат бошқарувчи билан танишиш мумкин. Кредиторлар йиғилишига ишончнома ва ушбу ишга тегишли бўлган ҳужжатларнинг асл нусхаси билан келиши лозим, кредиторларни рўйхатга олиш 2007 йил 3 декабрь соат 9.30 да бошланади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 26 ноябрдаги 10-0718/12751-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги "HILFAZTEX" МЧЖ (СТИР 205383891; юридик манзили: Кушбеги кўчаси, 18-уй) банкрот деб эълон қилинган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими А.Жуғмаев тайинланган. Ушбу корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинган. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 307-318-хона. Тел. 250-70-87.


УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
www. restoran.uz

ООО "INTERKABEL"
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР СП ОАО "АНДИЖАНКАБЕЛЬ" предлагает
•КАБЕЛЬНО-ПРОВОДНИКОВУЮ ПРОДУКЦИЮ* по ценам производителя СП ОАО "Андижанкабель"
•СЕТКИ латунные тканные (из никеля, бронзы, нержавеющей и оцинкованной стали)
•ЭЛЕКТРОННЫЕ СЧЕТЧИКИ*
Услуги лицензированы 1, 3-х фазные DDS28, DTS541, Ex541
Товар сертифицирован
г. Ташкент, ул. Паркентская, 30В (ор-р - Паркентский рынок)
Форма оплаты - любая Тел. 169 4314, факс 169 4390

товар сертификатланган
O'ZKABEL
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ КАБЕЛЬ-ЎТКАЗГИЧ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД
КЕНГ АССОРТИМЕНТ
100% лик СИФАТ КАФОЛАТИ
"Ўзкабель" ОАЖ ҚК. Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., 100041, Ф.Хўжаев кўч., 2
Тел./факс: (+99871) 262 02 86, 262 13 33
marketing@uzkabel.uz www.uzkabel.uz

«Gamma-Elektro» товар сертифицирован
ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ И НА ЗАКАЗ:
КАБЕЛЬ
СИЛОВОЙ АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240
С ИЗОЛЯЦИЕЙ ИЗ СШИТОГО ПОЛИЭТИЛЕНА от 10 до 110 кВ
Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТп, КВТп, КНТп.
ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЙ КАБЕЛИ СВЯЗИ МКСБ, ТЗГ, ТЗАШп, ЗКП
ЛАМПЫ (L18W OSRAM, ЛД-20; 40; 80, ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)
СВЕТИЛЬНИКИ (ЛПО, ЛСП, РСП, РКУ, ПЗМ и.т.д.)
ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ
Счетчики электроэнергии ОДНО И ТРЁХФАЗНЫЕ, МНОГОТАРИФНЫЕ
ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ
Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

pr_7-47-01
МЕТАЛЛ ПРОКАТИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| ТУНУКА | СОВУҚ БИЛАН ЖЎВАЛАНГАН | 0,5 мм дан 0,8 мм гача | 08КП пўлати |
| | ИССИҚ БИЛАН ЖЎВАЛАНГАН | 2 мм дан 25 мм гача | 3сп5, 40Х, 65Г пўлати |
| КРУГ | ЗАНГЛАМАЙДИГАН | 1 мм дан 6 мм гача | 12Х17, 12Х18Н10Т |
| | | 16 мм дан 130 мм гача | 12Х18Н10Т |
| | ИССИҚҚА ЧИДАМЛИ | 30 мм дан 250 мм гача | 20-30Х13, 23Х18Н10 |
| | КОНСТРУКЦИОН | 13 мм дан 260 мм гача | 3, 10-45, 20Х-40Х пўлати |

Тел.: 255-76-74, 281-35-61. Факс 254-94-95

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ
АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ
ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН
TÜV CERT EN ISO 9001
РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ
Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўптармоқли),150-55-66, 169-0079 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

ТОМ ЁПИШ ва ГИДРОИЗОЛЯЦИОН материал,
ПОЛИИЗОЛ
(зарқоғозли, турли ранглар сепилган, икки томонлама плёнка билан қопланган)
Ишлаб чиқарувчидан ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА
ТОМ ЁПИШ ВА ГИДРОИЗОЛЯЦИОН ИШЛАРНИ бажарамиз
Товар сертификатланган
Тел.:255-74-09, 255-64-53, 449-28-53. E-mail: adrant@ars-inform.uz


*ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ*

# ЁНҒИН БАЛОСИДАН АСРАСИН

***Республикамизда ҳар йили «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрдаги 543-Ф-сонли Фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 15 ноябрдан 15 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.***

Ота-боболаримиздан мерос қолган маданий бойликларни, мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқларимиз меваларини асраб, уларни янада кўпайтиришга ҳисса қўшиш шу юртда яшаб турган барча фуқароларимизнинг муқаддас бурчи бўлиши шарт. Бу борада, албатта, ҳаммадан кўпроқ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам масъулдирлар.

Жорий йилнинг ўтган даврида пойтахтда жами 1443 та ёнғин содир бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 5,9 фоизга кўпайган. Бироқ, ушбу ёнғинлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти ва фуқароларимизга қарийб 341 млн сўм миқдорида моддий зарар етказилиб, 21 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган бўлса, 36 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг тахминан 70 фоизи хонадонларда, шундан 40-50 фоизи эса газ-иситиш печларидан ва турли хил электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад эса, энг аввало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш ва бу орқали ёнғинлар сонини камайтиришдан иборат. Чунки, аксарият ёнғинлар инсонларнинг лоқайд ва бепарволиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари ёки болаларнинг назоратсиз қолиб, олов ўйнашлари натижасида содир бўлган. Ўз-ўзидан савол туғилади: хонадонларда содир бўлаётган ёнғинларнинг олдини олишда соҳа ходимлари қандай тадбирларни амалга оширишлари керак?

Соҳа ходимлари доимий равишда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида хонадонларда бўлиб, уларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга, аҳоли билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга, энг муҳими эса, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда. Тадбир давомида бундай ишларни янада кучайтиришга ва бу ишга оммавий ахборот воситаларини, меҳнат жамоаларини, маҳалла фаолларини ҳамда аҳолини кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилинмоқда.

Тадбир мобайнида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари тез-тез мактабларда, мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, кичкинтойларга ёнғин хавфсизлигининг ҳаёт учун муҳим бўлган қоидаларини ўргатиб боришмоқда. Ёшликда берилган билим, ўргатилган ҳар қандай кўникма узоқ йиллар уларнинг ёдидан чиқмайди, деб ўйлаймиз.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида ўтказиладиган суҳбатлар самарадорлигини ошириш мақсадида болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ёнғин ўчириш анжомлари, замонавий ёнғин ўчириш воситалари, уларни ишлатиш тартиблари тушунтириб борилади. Бундан ташқари, ёнғинлар қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазма-



лар ҳам намойиш этилади. Ўт ўчирувчилар, аввало, кичкинтойларга ёнғинлар ҳақида гапириб, ёнғин содир бўлганда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тушунчалар беришади. Энг муҳими, улар ўз фикрлари ва тушунчаларини амалий жиҳатдан кўрсатиб, болаларда муайян хулосалар ҳосил қилишади. Болалар бизнинг келажагимиз ва биз уларни ёнғин туфайли нобуд бўлишларига ёки бир умрга ногирон бўлиб қолишларига йўл қўймаймиз. Лекин ушбу вазифа, нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки барча фуқароларнинг бурчи бўлиб қолишини истардик.

***Зоҳид АКРОМОВ,***
***Шайхонтоҳур тумани***
***ИИБ ЁХБ инспектори, майор.***


Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ
ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов
1 2 3 4 6 7 8



*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*



Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди (Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41).
Буюртма Г-1063. Адади 7340. Баҳоси келишилган нархда
**Газета 2007 йил 29 ноябрда соат 19.30 да топширилди.**